Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН ЧИҚА БОШЛАГАН • **30 июнь 1973 йил, шанба** • № 152 (15.626). • Баҳоси 2 тийин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг мажлиси тўғрисида ИНФОРМАЦИОН БИЛДИРИШ

29 июнда Тошкентда саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг бешинчи сессияси ўз ишини давом эттирди.

Эрталаб соат 10 да Олий Советининг учинчи мажлиси бошланди. Мажлисни Олий Совет Раиси депутат С. Ҳ. Сирожиддинов очди.

Мажлисда кун тартибидаги иккинчи масала — Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисидаги масалани муҳокама қилиш давом эттирилди.

Депутатлар республика Олий Совети планбюджет комиссиясининг раиси депутат **Х. Умаров**нинг қўшимча докладини тингладилар.

Музокараларда депутатлардан **Б. А. Зайцев** (20-Фурманов сайлов округи), **М. Х. Ҳасанов** (119-Хартум сайлов округи), **И. Қўчқоров** (351-Гулистон сайлов округи), **Ф. Хўжаев** (220-Энгельс сайлов округи), **У. Бегматов** (409-Яккатут сайлов округи) сўзга чиқдилар.

Олий Совет «Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджетининг ижроси тўғрисида» бир овоздан қарор қабул қилди.

Шундан кейин сессия кун тартибидаги учинчи масалани қараб чиқишга киришди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссиясининг иши тўғрисида комиссия раиси депутат **В. О. Козимов** доклад қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссисининг иши тўғрисида доклад тингланди. Бу ҳақда комиссия раиси депутат **Б. А. Абдураззоқов** доклад қилди.

Депутатлар «Ўзбекистон ССР Олий Советининг транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа бўйича ҳамда ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияларининг иши тўғрисида»ги қарорни бир овоздан қабул қилдилар.

Сессия кун тартибидаги тўртинчи масала — Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат **Ҳ. М. Пўлатова** доклад қилди.

Олий Совет ўз муҳокамасига тақдим этилган Фармонларни бир овоздан тасдиқлади, тегишли Қонунлар ва Қарорлар қабул қилди.

Депутатлар Олий Советнинг ташқи ишлар бўйича доимий комиссияси составига ўзгартишлар киритдилар.

Депутат **Ғ. Нажимов** республика маданият министри қилиб тайинланганлиги муносабати билан ташқи ишлар комиссияси раисининг ўринбосари вазифасидан озод қилинди. Комиссия раисининг ўринбосари қилиб депутат **М. Н. Ҳайитов** сайланди.

Депутат **Н. Тоштемиров** ташқи ишлар комиссиясининг аъзоси қилиб сайланди.

Шу билан саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг V сессияси ўз ишини тамомлади.

А. Н. КОСИГИН ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин Совет—Ҳиндистон муносабатларига доир масалалар юзасидан чақирилган симпозиум иштирокчилари, маданий алоқаларни ривожлантирувчи Ҳиндистон—Совет жамияти делегациясини 28 июнда Кремлда қабул қилди. (ТАСС).

ПАРТИЯ МАКТАБИНИ БИТИРИБ ЧИҚДИЛАР

Тошкент олий партия мактабида тўрт йиллик бўлим тингловчиларининг ўн олтинчи битириб чиқиши ва икки йиллик бўлим тингловчиларининг саккизинчи битириб чиқиши маросими бўлди. Ўзбекистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистоннинг шаҳар ва районларидан мактабга келган 140 киши олий партиявий-сиёсий билим олди. Кўпгина тингловчилар имтиёзли диплом олишди.

29 июнда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг мажлислар залида олий партия мактабини навбатдаги битириб чиқишга бағишланган тантанали йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари О. У. Салимов нутқ сўзлади. У мактабни битириб чиқувчиларни ўқиш тамом бўлганлиги билан самимий табриклади, уларга ишда муваффақиятлар тилади.

Йиғилишда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюро аъзолигига кандидат Г. М. Орлов қатнашди. (ЎзТАГ).

МУДДАТИДАН ИЛГАРИ

Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг нашриёт, полиграфия ва китоб савдоси ишлари давлат комитетининг корхоналари ва ташкилотлари коллективлари КПСС XXIV съездининг қарорларини амалга ошириш учун курашиб, китоб маҳсулоти чиқариш, ишлаб чиқариш ҳажми ва китоб савдоси товар оборoти жиҳатидан ярим йиллик план бажарилганлиги тўғрисида муддатидан илгари рапорт бердилар. (ЎзТАГ).

САМИМИЙ ҚУТЛОВ

СЕРГО ОРЖОНИКИДЗЕ НОМЛИ ЛЕНИН ОРДЕНЛИ ВА ОКТЯБРЬ РЕВОЛЮЦИЯСИ ОРДЕНЛИ «ЗАПОРОЖСТАЛЬ» МЕТАЛЛУРГИЯ ЗАВОДИ ИШЧИЛАРИ, ИНЖЕНЕР-ТЕХНИК ХОДИМЛАРИ ВА ХИЗМАТЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

КПСС Марказий Комитети Сизларни меҳнатда эришилган катта ғалаба — социалистик мажбуриятлар муваффақиятли бажарилиши ва меҳнат унумдорлиги, пўлат эритиш ва прокат ишлаб чиқариш юзасидан беш йиллик планда 1975 йилга мўлжалланган даражага эришганлиги билан қизғин табриклайди.

Завод коллективи шу йилнинг беш ойи мобайнида пландан ташқари 28400 тонна чўян, 15400 тонна пўлат қуйди, 23400 тонна прокат ишлаб чиқарди, ишда юксак техникавий-иқтисодий кўрсаткичларга эришди.

Шу ажойиб муваффақиятлар Сизнинг кенг ёйилган социалистик мусобақа, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг катта ташкилий ва сиёсий иши асосидаги ватанпаварлик меҳнатингиз, КПСС Марказий Комитети 1972 йил декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун коллективнинг юксак онглилиги ва масъулияти натижалари бўлди.

Сиз ишлаб чиқариш самарадорлигини оширишнинг асосий йўналишлари — машина-ускуналарни реконструкция қилиш ва такомиллаштириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифатини яхшилаш ва хилини кўпайтиришдан иборат катта программани амалга ошириш йўли билан ўз эътиборингизни доимо ижодий изланишларга, янги техника ва илғор технологияни жорий этишга, ишлаб чиқариш қувватларини бетўхтов ошириб боришга қаратаётганлигингиз қимматли фазилатлардир.

КПСС Марказий Комитети завод коллективи эришилган ютуқларда тўхталиб қолмай, йилнинг иккинчи ярми планига қўшимча равишда 15 минг тонна чўян, 10 минг тонна пўлат ва 12,5 минг тонна прокат ишлаб чиқариш юзасидан оширилган янги мажбурият олганлигини мамнуният билан таъкидлайди.

Азиз ўртоқлар, шу юксак мажбуриятларни бажаришда, социалистик Ватанимиз бахт-саодати ва равнақи йўлида беш йиллик планбарча топшириқларини барвақт бажо келтиришда сизларга меҳнатда янги-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Л. БРЕЖНЕВ,
Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Ўртоқ Леонид Ильич БРЕЖНЕВга

МЕҲНАТ РАПОРТИ

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетига, азиз Леонид Ильич, Сизга шуни хабар қилишдан хурсандмизки, Серго Оржоникидзе номли Ленин орденли ва Октябрь Революцияси орденли «Запорожсталь» металлургия заводининг коллективи КПСС XXIV съездининг тарихий қарорларини бажара бориб, беш йиллик ҳал қилувчи, учинчи йили халқ хўжалик вазифаларини муваффақиятли амалга ошириш учун курашиб, 1973 йил учун зиммасига олган социалистик мажбуриятларини муддатидан илгари бажарди. Завод коллективи пўлат, прокат ишлаб чиқариш, меҳнат унумдорлигини ошириш ҳажми жиҳатидан 1973 йилда 1975 йилги контроль рақамлар даражасига эришди.

Завод металлурглари социалистик мусобақани кенг қулоч ёйдириб, янги техника ва илғор технологияни жорий этиб, пландан ташқари 28,4 минг тонна чўян, 15,4 минг тонна пўлат қуйдилар, 23,4 минг тонна прокат ишлаб чиқардилар. Ишлаб чиқаришнинг ўсиши бултурги йилнинг шу давридагига нисбатан 7,1 процент бўлди ва бунинг ҳаммасига меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига эришилди.

Беш ой ичида пландан ташқари 5,6 миллион сўмлик маҳсулот реализация қилинди, пландан ташқари 2 миллион сўмга яқин фойда олинди. Товар маҳсулотининг 1 сўмига кетган харажатлар 72,6 тийинни ташкил этди. Шу вақт ичида 10 минг тоннадан зиёд чўян эритиш учун темир руда хом ашёси, 20 минг тоннача кокс, 15 минг тоннача прокатбоп металл, 5 миллион киловатт-соат чамаси электр энергия тежалди.

Домна ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш, агломерат сифатини яхшилаш, янада такомиллашган конструкциядаги формаларни жорий этиш, домна печларининг бекор туришини 13 процент камайтириш, қисқа муддатлар ичида янги қўш ваннали пўлат эритувчи агрегатни ва слябинг реконструкция қилинган станини ўзлаштириш, прокат станларининг соатлик иш унумини ошириш туфайли зиммадаги социалистик мажбуриятларни барвақт бажаришга муваффақ бўлдик.

«Запорожсталь» коллективи КПСС Марказий Комитети апрель Пленумининг қарорларига жавобан ўз резервларини ҳисоблаб чиқиб, йил охиригача планга қўшимча 15 минг тонна чўян, 10 минг тонна пўлат, 12,5 минг тонна прокат беради.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетини ишонтириб айтамизки, «Запорожсталь» металлурглари беш йиллик ҳал қилувчи учинчи йили топшириқларини ҳамда умуман беш йиллик планини муваффақиятли бажариш учун ҳамма куч-қувватларини сарфлайдилар.

Серго Оржоникидзе номли «Запорожсталь» металлургия заводининг директори
Л. ЮПКО,
Завод касаба союз комитетининг раиси
В. ГАЛКО.

Партия комитетининг секретари
А. ГЕРАСИМЕНКО.
Комсомол комитетининг секретари
А. КУРОЧКИН.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЧОРВА ТУЁҒИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд қиладики, республика меҳнаткашлари тўққизинчи беш йиллик планларини бажариш учун социалистик мусобақани кенг қизитиб юбориб, халқ хўжалигининг барча тармоқларини ривожлантиришда катта ютуқларни қўлга киритдилар. Икки йил мобайнида саноат ишлаб чиқариши ҳажми 18,5 процент ўсди. Республика пахтакорлари шу йиллар ичида давлатга 9 миллион 220 минг тонна пахта сотдилар, бу эса давлат планидагидан 1 миллион 270 минг тонна кўпдир. Бу йил улар мамлакатга камида 4 миллион 750 минг тонна пахта топширишдек юксак социалистик мажбуриятни бажариш учун курашиб олиб бормоқдалар.

Чорвачиликни ривожлантириш соҳасида ҳам катта ишлар қилинди. Колхоз ва совхозлар томонидан белгилаб чиқилиб, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг IV пленуми томонидан маъқулланган 1971—1975 йилларда чорвачиликни ривожлантириш тадбирлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Беш йилликнинг икки йили мобайнида қорамоллар сони 7,7 процент, чўчқалар сони 18,3 процент кўпайган. Беш йилликнинг дастлабки икки йили ичида гўшт етиштириш плани 4,6 процент, сут етиштириш плани 7,4 процент ва қорақўл етиштириш плани 12 процент ошириб бажарилган. Колхоз ва совхозларда сигирлардан согиб олинадиган сутнинг миқдори шу йиллар ичида 272 килограммга кўпайган, 1973 йилнинг беш ойи мобайнида эса ўтган йилнинг шу давридагига нисбатан 90 килограмм ортган. Товуқлардан тухум олиш кўпайган, чорва молларининг болалаши ортган, молларнинг нобуд бўлиши камайган.

1972 йилда Андижон, Наманган ва Тошкент областлари, Тўрақўргон ва Конимех районлари, Сирдарё районидаги «1 Май» ва Томди районидаги Ленин номли колхозлар ҳамда «Малик» совхози ва бошқа хўжаликларнинг чорвадорлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Калинин районидаги «Ўзбекистон 40 йиллиги» колхозидан М. Исҳоқова, Жиззах районидаги «Москва» колхозидан Г. Эшмуродова, «Чиноз-4» совхозидан Е. Шереметьева каби сут согувчилар ҳар бир сигирдан 5 минг килограммдан ортиқ сут согиб олишга муваффақ бўлганлар.

Республикада пахта-беда алмашлаб экишни жорий қилиш ва ўзлаштириш, ем-ҳашак экиладиган майдонларни кенгайтириш, уларга ишлов бериш агротехникасини яхшилаш соҳасида олиб борилган ишлар чорвачиликнинг ем-хашак базасини анча мустаҳкамлаш имконини берган.

Чорвачиликни янада ихтисослаштириш ва концентрациялаш, чорва молларни боқишда прогрессив технологияни жорий қилиш, чорвачиликда фан ютуқлари ва илғор тажрибани кенг қўлланиш, паррандачилик, чўчқачилик, гўшт ва сут берадиган чорвачиликни саноат асосига ўтказиш соҳасида катта ишлар олиб борилмоқда.

Беш йиллик бошидан бери чорвачилик бинолари қуришда катта ишлар бажарилган. Шу давр ичида 165 минг сигир сигадиган сигирхона, 656 минг қўйга мўлжалланган қўйхона (қўтон), 30 минг чўчқага мўлжалланган чўчқахона, 1.137 минг бош паррандага мўлжалланган паррандахона, 342 минг товуқ боқиладиган паррандачилик фабрикалари қурилиб, фойдаланишга топширилган.

Чорвачилик билан шуғулланувчи кадрларни танлаш ва тарбиялашга ҳамда ишлаб чиқаришни ривожлантиришда уларнинг ролини оширишга катта эътибор бериб келинмоқда. Колхоз ва совхозларда олий ва ўрта маълумотли 8,5 мингдан ортиқ зоотехник ва ветеринария ходимлари ёки ўрта ҳисобда ҳар бир хўжаликда 5 тадан мутахассис ишламоқда. Оммавий касбларга эга бўлган чорвадорлар тайёрлаш иши ташкил қилинган.

Республикада чорвачиликни ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар — партия, совет, касаба союз, комсомол ва қишлоқ хўжалик органларининг зўр ташкилотчилик ишлари, колхозчилар, совхоз ишчилари ва қишлоқ хўжалик мутахассисларининг фидокорона меҳнатлари самараси, қишлоқ хўжалигининг ана шу соҳасини юксалтиришда КПСС Марказий Комитети ва Совет ҳукуматининг республикага кўрсатаётган улкан ёрдами натижасидир.

Ўзбекистон ССР Олий Совети республикада чорвачиликни ривожлантиришдаги ютуқлар билан бир қаторда ҳали жиддий камчиликлар ҳам бор, деб ҳисоблайди.

Умуман республика колхозлари ва совхозларида сигирлар сонини кўпайтириш плани 13,8 процент миқдорида бажарилмай қолган. Бухоро ва Қашқадарё областларида эса бу план 20 процент бажарилмаган. Бунинг натижасида кўпгина хўжаликларда подалардаги сигирларнинг салмоғи ҳали оз бўлиб келмоқда.

Қорақалпоғистон АССР, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё областлари қўй ва эчкилар сонини ошириш топшириғини анчагина бажараолмай қолганлар. Бу ҳол мазкур областлардаги кўпчилик хўжаликларда қўйчилик жуда сусткашлик билан ривожланишига олиб келган.

Қашқадарё, Самарқанд, Сурхондарё, Сирдарё, Тошкент ва Фарғона областларида етилган паррандаларни кўпайтириш плани бажарилмаган. Қорақалпоғистон АССР, Фарғона ва Хоразм областларида гўшт етиштириш, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм областларида эса сут етиштириш топшириқлари ҳам бажарилмаган.

Республика колхоз ва совхозлари тухум етиштириш планини 94,9 процент миқдорида бажарганлар, холос. Айниқса Қорақалпоғистон АССР, Қашқадарё, Самарқанд ва Тошкент областлари тухум етиштириш топшириғини бажаришда жуда орқада қолганлар.

Хўжаликларда от ва туялар сони камайиб кетишига йўл қўйилган, она қўёнлар сонини кўпайтириш топшириғи бажарилмаган.

(Охири иккинчи бетда).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд қиладики, Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджети аниқланган планга нисбатан даромадлар бўйича 3.587.334 минг сўм миқдорида ёки 101,6 процент ва ҳаражатлар бўйича 3.530.304 минг сўм миқдорида ёки 100 процент қилиб бажарилган. Бюджетга пландан ташқари 55 миллион сўм маблағ тушган.

Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри ва барча областлар, кўпчилик шаҳар, район, посёлка ва қишлоқлар бюджетларнинг даромад қисмини бажарганлар. Бу эса халқ хўжалик планида кўзда тутилган барча топшириқларни маблағ билан узлуксиз таъминлаш ҳамда план ва бюджетни бажариш жараёнида хўжалик соҳасида вужудга келган қўшимча эҳтиёжларни пул ресурслари билан таъминлаш имконини берди.

Шу билан бирга Ўзбекистон ССР Олий Совети қайд этадики, баъзи бир министрликлар, корхоналар ва ташкилотлар ички резервлардан самарали фойдаланмаганликлари, меҳнат унумдорлигини ошириш планини ҳамда сифат кўрсаткичларини бажармаганликлари натижасида маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планларининг ҳамда бюджет олдидаги мажбуриятларнинг бажарилишини таъминлай олмадилар.

Оборот солиғи тушумлари плани умуман бажарилган бўлса-да, халқ хўжалигининг саккиз тармоғи бўйича бу план бажарилмай қолди ва бюджетга 20,8 миллион сўмлик маблағ, шу жумладан трикотаж саноати бўйича 7,5 миллион сўмлик, тўқимачилик саноати бўйича — 5,8 миллион сўмлик, ёғ-мой саноати бўйича — 1 миллион сўмлик маблағ кам тушди.

1972 йилда фойдалардан бюджетга тўловлар плани ортиги билан бажарилди. Лекин айрим министрликлар ва идоралар жамғарма планларини ва бюджет олдидаги мажбуриятларини бажараолмадилар. Ўзбекистон ССР Энергетика ва электрлаштириш министрлиги фойдалардан тўловлар бўйича бюджетга 1.533 минг сўм, Енгил саноат министрлиги — 2.249 минг сўм, Қурилиш министрлиги — 2.741 минг сўм, Савдо министрлиги — 3.021 минг сўм, Пахта тозалаш саноати министрлиги — 9.849 минг сўм, «Узглавлеспром» — 1.458 минг сўм миқдорида кам маблағ берди.

Ўтган йили кўпгина корхоналарда ва хўжалик ташкилотларида фойда олиш планлари бажарилмаганлиги, пландан ташқари зарарларга, катта-катта унумсиз харажатларга йўл қўйилганлиги ва хўжасизлик натижасида уларнинг ўз оборот маблағлари етишмай қолди. Айниқса Пахта тозалаш саноати министрлиги, Қишлоқ хўжалиги министрлиги, Енгил саноат министрлиги, Озиқ-овқат саноати министрлиги, «Узглавводстрой» корхоналари ва ташкилотларида бу соҳада аҳвол қониқарсиз бўлди.

Кўпгина министрлик ва идоралар капитал қурилишларни таъминлаш учун мўлжалланган ўз маблағларини тўлаш планлари бажарилишини таъминламадилар. Совхозлар министрлиги 11 миллион сўмликдан кўпроқ, Мелиорация ва Сув хўжалиги министрлиги 9,6 миллион сўм, Енгил саноат министрлиги 9,2 миллион сўм, «Узглавводстрой» 4 миллион сўм миқдорида кам маблағ топширдилар.

(Охири иккинчи бетда).

Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер УЛЬБРИХТга

Азиз ўртоқ Вальтер Ульбрихт!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети Сизга, Германия ва халқаро ишчилар ҳаракатининг атоқли арбоби, Германия Демократик Республикасининг таниқли партия ва давлат арбобига саксон ёшга тўлганингиз муносабати билан самимий қардошларча табрикларини йўллайдилар.

Совет коммунистлари, Совет Иттифоқининг барча меҳнаткашлари Маркс, Энгельс, Ленининг улуғ ғояларини амалга ошириш учун курашга, немис ишчилар ва деҳқонларининг биринчи давлати — социалистик Германия Демократик Республикасини қуриш ва ҳар томонлама мустаҳкамлашга қўшган катта ҳиссангизга юксак баҳо берадилар. Муҳтарам ўртоқ Ульбрихт, Сизнинг фаолиятингиз марксизм-ленинизм, социализм ва тинчликни, партияларимиз ва халқларимиз ўртасида қардошларча бузилмас дўстликни мустаҳкамлаш ишига содиқлик намунасидир.

Сиз, азиз ўртоқ Ульбрихтга узоқ умр, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат, Сизнинг олижаноб ишингизда астойдил янгидан-янги муваффақиятлар тилаймиз.

Коммунистик салом билан

Л. БРЕЖНЕВ, Н. ПОДГОРНИЙ, А. КОСИГИН.

Москва, Кремль.
1973 йил 29 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ГДР ДАВЛАТ КЕНГАШИНИНГ РАИСИ ЎРТОҚ ВАЛЬТЕР УЛЬБРИХТНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

КПСС билан ГБСП ўртасида, СССР билан ГДР халқлари ўртасида қардошларча бузилмас дўстлик ва ҳамкорликни мустаҳкамлашдаги катта хизматларини ҳамда тинчликни мустаҳкамлаш ва социализм ишига қўшган ҳиссасини тақдирлаб ва тўғилган кунига саксон йил тўлиши муносабати билан Германия Демократик Республикаси Давлат Кенгашининг Раиси ўртоқ Вальтер **Ульбрихт Халқлар Дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил 29 июнь.

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎРТОҚ НИКОЛА ШАУИНИ ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ ОРДЕНИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ливан Республикаси билан Совет Иттифоқи халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш йўлида кўп йиллар мобайнида қилган самарали ишларини, Ливан халқининг антиимпериалистик озодлик курашига, меҳнаткашлар манфаатларини ҳимоя қилишга қўшган катта шахсий ҳиссасини тақдирлаб, Ливан Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Никола **Шаун Халқлар дўстлиги** ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Н. ПОДГОРНИЙ.
СССР Олий Совети Президиумининг Секретари М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль.
1973 йил 28 июнь.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЧОРВА ТУЁҒИНИ КЎПАЙТИРИШ ВА ЧОРВАЧИЛИК МАҲСУЛДОРЛИГИНИ ОШИРИШ ЮЗАСИДАН БЕШ ЙИЛЛИК ПЛАН ТОПШИРИҚЛАРИНИНГ БАЖАРИЛИШИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Кўпчилик хўжаликларда мустаҳкам ем-хашак базаси яратиш ишига тегишли эътибор берилмаган, яйловлар маҳсулдорлигини ошириш ишлари етарли даражада олиб борилмаётир, оғир меҳнат процессларини механизациялаш даражаси паст.

Наслчилик ишини яхшилаш дуруст йўлга қўйилмаган. Наслчилик хўжаликларининг мавжуд шохобчалари колхоз ва совхозларнинг наслдор ёш молларга бўлган талабини қондирмаётир. Қорамол етиштирувчи кўпгина наслчилик хўжаликларида сигирларнинг сутдорлик даражаси паст. Молларни сунъий урчитиш ишини ташкил қилиш, четдан олиб келинаётган наслдор ва зотли молларни сақлаш, парвариш қилиш ва боқиш ишлари ҳам ҳамма ерда яхши уюштирилган деб бўлмайди.

Кўпгина чорвачилик фермалари ветеринария-санитария жиҳатдан қониқарсиз аҳволдадир.

Экономика масалаларига кундалик эътибор берилмаётганлигидан кўпчилик хўжаликларда маҳсулот етиштириш таннархи ҳали юқори ва чорвачиликнинг айрим тармоқлари норентабел бўлиб қолмоқда.

Бир қатор хўжаликлардаги айрим мутахассислар ҳали ишлаб чиқаришнинг чинакам ташкилотчиларига айланмаганлар, ишда етарли ташаббус кўрсатмайдилар, фан ютуқлари ва илғор тажрибаларни яхши ўрганмайдилар, прогрессив технологияни суст жорий қилмоқдалар. Чорвачилик соҳасида олиб борилаётган илмий тадқиқот ишлари савияси замонавий талабларга жавоб бермайди.

Республика Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати, Соғлиқни сақлаш, Маданият, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш министрликлари, «Ўзбекбирлашув», меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг кўпгина ижроия комитетлари чорвачилик фермаларининг ходимларига, айниқса чўл зоналарда ишлаётган чўпонларга ҳамма томондан яхши маданий-маиший шароитлар яратиб бериш тўғрисида зарур даражада ғамхўрлик кўрсатмаётирлар.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликларининг «Ўзсельхозтехника» республика бирлашмаси, «Главсредазирсовхозстрой» ва уларнинг жойлардаги органларининг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советининг, меҳнаткашлар депутатлари область, район, қишлоқ ва посёлка Советлари ижроия комитетларининг, колхоз ва совхозлар раҳбарларининг муҳим вазифаси ҳар бир хўжалик чорва моллар сонини ошириш, чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотишни кўпайтириш юзасидан белгиланган беш йиллик топшириқларини сўзсиз бажаришини таъминлашдан иборатдир, деб ҳисоблансин. Чорвачилик ишларини юритиш маданиятини ошириш, прогрессив технологияни, фан ютуқлари ва илғорлар тажрибасини кенг жорий қилишга, ем-хашак базасини мустаҳкамлаш, наслчилик ишини яхшилаш, чорвачиликнинг иқтисодий самарадорлигини оширишга эътибор кучайтирилсин.

2. Ўзбекистон ССР Олий Совети чорвачиликнинг ем-хашак базасини мустаҳкамлашга катта аҳамият бериб, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети, министрлик ва идоралар, маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органлари, колхозлар ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига қуйидаги вазифаларни юклайди:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ем-хашак тайёрлашни ўз вақтида ўтказиш ҳамда колхоз ва совхозларни 1973—74 йилги чорва ишловига тайёрлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши таъминлансин.

— экинларни жойлаштириш ва парвариш қилиш, ем-хашак экинларини йиғиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва молга бериш учун тайёрлаб қўйиш ишида мавжуд бўлган жиддий камчиликлар тугатилсин: 1973 йили 3.500 минг тонна дағал ем-хашак, 1.500 минг тонна сенаж, 3.500 минг тонна силос, 70 тонна витаминли ун тайёрлаш юзасидан колхоз ва совхозлар олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминлансин;

— ем-хашак етиштиришни кўпайтиришда янги серҳосил нав экинлар экиш, ангиз ерларга экиладиган, кеч кузги ва аралаш экинлар ҳисобига ердан йил бўйи фойдаланиш, витаминли ўт талқони ишлаб чиқаришни максимал даражада кўпайтириш, суғориладиган зоналарда маданий яйловлар ташкил қилиш, ем-хашакларни донадор қилиб майдалаб ва брикетлаб қўйиш сингари муҳим резервлардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиладиган бўлсин;

— бевосита хўжаликларнинг ўзида омихта ем тайёрлаш цехлари ва хўжаликлараро омихта ем тайёрловчи заводлар қуриш авж олдирилиб, бунда молларни қуруқ дон билан боқишга йўл қўйилмасин; Тайёрлаш министрлиги омихта ем сифатини яхшилаш ва колхоз ҳамда совхозлар учун оқсил витаминли қўшимча озуқалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораларини кўрсин; пахта, тозалаш, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати чиқиндиларидан молларни боқиш учун кенг фойдаланиш чоралари кўрилсин, умумий овқатланиш корхоналаридан ҳамда аҳолидан ортиб қоладиган озиқ-овқатларни қабул қилиш яхшироқ ташкил этилсин.

— яйловларни яхшилаш, моллар суғориладиган шохобчаларни реконструкция қилиш ишларини авж олдиришга, айниқса ўрнатилган қудуқлар ва яйловларда водопроводлар қуришга алоҳида эътибор берилсин, чўл зоналарда артезиан суғориш участкалари вужудга келтириш имкониятларидан максимал даражада фойдаланилсин. Меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетлари ва қишлоқ хўжалик органлари қўйчилик хўжаликларига ем-хашак етиштириб беришни таъминлайдиган доимий суғориладиган ерлар ажратиб беришни 1973 йилда ниҳоясига етказиш вазифаси топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Госплани, қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари чорвачиликни ихтисослаштиришни янада концентрациялаш ва чуқурлаштириш тадбирларини ишлаб чиқсинлар, бунда улар пахтакор хўжаликларда сут чорвачилиги, тоғ ёнбағирлари зонасида эса гўшт чорвачилиги ва гўшт-жун қўйчилиги асосий тармоқ бўлиб қолишлигини эътиборга олишлари зарур.

4. Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари ва уларнинг жойлардаги органлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига қуйидаги вазифаларни юклайди:

— КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Советининг «Ем-хашак тайёрлашни ўз вақтида ўтказиш ҳамда колхоз ва совхозларни 1973—74 йилги чорва ишловига тайёрлаш тадбирлари тўғрисида»ги қарорида кўзда тутилган чора-тадбирларнинг бажарилиши таъминлансин

— экинларни жойлаштириш ва парвариш қилиш, ем-хашак экинларини йиғиб олиш, сақлаш, қайта ишлаш ва молга бериш учун тайёрлаб қўйиш ишида мавжуд бўлган жиддий камчиликлар тугатилсин: 1973 йили 3.500 минг тонна дағал ем-хашак, 1.500 минг тонна сенаж, 3.500 минг тонна силос, 70 тонна витаминли ун тайёрлаш юзасидан колхоз ва совхозлар олган мажбуриятларнинг бажарилиши таъминлансин:

— ем-хашак етиштиришни кўпайтиришда янги серҳосил нав экинлар экиш, ангиз ерларга экиладиган, кеч кузги ва аралаш экинлар ҳисобига ердан йил бўйи фойдаланиш, витаминли ўт талқони ишлаб чиқаришни максимал даражада кўпайтириш, суғориладиган зоналарда маданий яйловлар ташкил қилиш, ем-хашакларни донадор қилиб майдалаб ва брикетлаб қўйиш сингари муҳим резервлардан ишлаб чиқаришда кенг фойдаланиладиган бўлсин;

— бевосита хўжаликларнинг ўзида омихта ем тайёрлаш цехлари ва хўжаликлараро омихта ем тайёрловчи заводлар қуриш авж олдирилиб, бунда молларни қуруқ дон билан боқишга йўл қўйилмасин; Тайёрлаш министрлиги омихта ем сифатини яхшилаш ва колхоз ҳамда совхозлар учун оқсил витаминли қўшимча озуқалар ишлаб чиқаришни кўпайтириш чораларини кўрсин; пахта, тозалаш, озиқ-овқат ва гўшт-сут саноати чиқиндиларидан молларни боқиш учун кенг фойдаланиш чоралари кўрилсин, умумий овқатланиш корхоналаридан ҳамда аҳолидан ортиб қоладиган озиқ-овқатларни қабул қилиш яхшироқ ташкил этилсин.

— яйловларни яхшилаш, моллар суғориладиган шохобчаларни реконструкция қилиш ишларини авж олдиришга, айниқса ўрнатилган қудуқлар ва яйловларда водопроводлар қуришга алоҳида эътибор берилсин, чўл зоналарда артезиан суғориш участкалари вужудга келтириш имкониятларидан максимал даражада фойдаланилсин. Меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ижроия комитетлари ва қишлоқ хўжалик органлари қўйчилик хўжаликларига ем-хашак етиштириб беришни таъминлайдиган доимий суғориладиган ерлар ажратиб беришни 1973 йилда ниҳоясига етказиш вазифаси топширилсин.

3. Ўзбекистон ССР Госплани, қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область Советларининг ижроия комитетлари чорвачиликни ихтисослаштиришни янада концентрациялаш ва чуқурлаштириш тадбирларини ишлаб чиқсинлар, бунда улар пахтакор хўжаликларда сут чорвачилиги, тоғ ёнбағирлари зонасида эса гўшт чорвачилиги ва гўшт-жун қўйчилиги асосий тармоқ бўлиб қолишлигини эътиборга олишлари зарур.

4. Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари ва уларнинг жойлардаги органлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари зиммасига колхоз ва совхозлар қўй ва эчкилар сонини ҳамда жун етиштиришни кўпайтириш, айниқса қорақўлчилик хўжаликларида подалар структурасини яхшилаш юзасидан 1971—1975 йиллар учун ишлаб чиққан чора-тадбирларнинг албатта бажарилишини таъминлаш юклатилсин. Қорақўлчилик хўжаликларида қўшимча натура ҳақи тўлаш системасини такомиллаштириб, чўпонларнинг боқиши учун ургочи қўзи қолдириш ва қорақўл сифатини яхшилашдан манфаатдорлигини ошириш зарур деб ҳисоблансин.

5. Қишлоқ хўжалиги ва Совхозлар министрликлари ҳамда уларнинг органлари, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари, колхоз ва совхозларнинг раҳбарлари қилқичилик, туячилик ва қўёнчиликни ривожлантиришга катта эътибор беришлари зарур.

6. Қишлоқ хўжалиги ва Совхозлар министрликлари беш йиллик охиригача фермаларда фақат зотли ва насли яхшиланган чорва моллар бўлиши ва барча турдаги қишлоқ хўжалик ҳайвонларини сунъий урчитиш ишини ташкил қилишда тегишли тартиб ўрнатилиши учун наслчилик ишини тубдан яхшилашга эътиборни кучайтирсинлар.

7. Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари чорвачилик фермаларининг ветеринария-санитария ҳолатини тубдан яхшилаш ва чорвачилик маҳсулотлари сифатини ошириш, қишлоқ хўжалик ҳайвонлари касалликларини йўқотиш учун зарур чораларни кўрсинлар.

8. Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Қишлоқ қурилиши министрликлари, «Узколхозстрой» ва чорвачилик объектларқуриш билан шуғулланувчи бошқа қурилиш ташкилотлари чорвачилик комплекслари, паррандачилик фабрикалари ва бошқа хил объектларни ўз вақтида қуриб, фойдаланишга топширишни таъминласинлар; беш йиллик охиригача барча қўйлар қўтонлар билан таъминлансин.

9. Ўзбекистон ССР Госплани ва Совхозлар министрлиги чорвачилик совхозларини комплекс тарзда қуриш ишларини тезлаштириш ва узоқ жойлардаги яйловларга олиб борадиган йўллар қуриш чораларини кўрсинлар.

10. «Узгипросельстрой» ва «Узгипросельхоз» институтлари янги чорвачилик бинолари лойиҳаларини ишлаб чиқиш ва мавжуд лойиҳаларни қайта ишлашда йиғма, енгиллаштирилган конструкциялардан фойдаланиш ҳамда қурилишларни арзонлаштириш зарурлигини ҳисобга олсинлар.

11. Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар, Озиқ-овқат саноати министрликлари, «Узсельхозтехника» республика бирлашмаси ва уларнинг жойлардаги органлари, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари зиммасига беш йилликкинг охиригача 1.247 молхонани ва 1.541 паррандахонани комплекс механизациялаш ишини тугаллаш юзасидан белгиланган топшириқнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш вазифаси юклатилсин. Қўйчиликда, айниқса қорақўлчиликда оғир меҳнат процессларини механизациялашга эътибор кучайтирилсин.

«Узсельхозтехника» республика бирлашмаси чорвачилик фермаларига техника хизмати кўрсатиш ишини яхшиласин, ҳамма районларда техника хизмати кўрсатувчи пунктлар тузиш ишини ниҳоясига етказсин.

12. Қишлоқ хўжалиги, Совхозлар ва Озиқ-овқат саноати министрликлари, «Главсредазирсовхозстрой», совет ва қишлоқ хўжалиги органларига, хўжаликларнинг раҳбарларида чорвачиликнинг барча соҳалари рентабел бўлишини таъминлаш, илғорлар тажрибасини ўрганиш ва кенг ёйиш, етиштирилаётган маҳсулотнинг миқдори ва сифатига қараб меҳнат ҳақи тўлашни такомиллаштириш, маҳсулот етиштиришни кўпайтиришдан моддий ва маънавий рағбатлантириш ролини ошириш вазифаларн топширилсин.

13. Маҳаллий совет ва қишлоқ хўжалик органларининг раҳбарлари чорвачилик мутахассисларини танлаш ва жойжойига қўйишга, улар учун зарур маданий-маиший шароитлар яратиб беришга эътиборни кучайтирсинлар ва улар ўз малакаларини ошириб боришлари устидан назорат қилиб турсинлар.

14. Ўзбекистон ССР Қишлоқ хўжалиги министрлиги ва илмий коллективлар чорвачилик соҳасида илмий-тадқиқот ишлари самарадорлигини оширсинлар. Олимлар кучи ва маблағлар чорвачиликнинг энг муҳим проблемаларини ишлаб чиқишга, яъни суғориладиган зоналарда ҳайдаладиган ерлардан йил бўйи интенсив тарзда фойдаланиш асосида ем-хашак базасини янада мустаҳкамлашга, республиканинг барча табиий зоналарида яхши яйловлар вужудга келтиришга, ҳайвонларнинг зотдорлик, наслдорлик ва маҳсулдорлик сифатларини янада такомиллаштиришга, чорвачиликни комплекс механизациялаш учун тегишли машиналар системасини яратишга қаратилсин.

15. Республика Соғлиқни сақлаш, Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш, Маданият, Маориф, Алоқа министрликлари, Телевидение ва радиоэшиттириш, Кинематография давлат комитетлари ва «Ўзбекбирлашув» правлениеси чорвадорларга, айниқса узоқ яйловлардаги чорвадорларга медицина, савдо ва маданий-маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш юзасидан ишлаб чиқилган тадбирларнинг бажарилишини таъминласинлар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ишонч билдирадики, республика министрликлари ва идоралари, меҳнаткашлар депутатлари Советлари, барча қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари партия ташкилотлари раҳбарлигида аҳолининг ва саноатнинг тобора ўсиб бораётган эҳтиёжларини тўлароқ қондириш учун чорва моллар ва паррандалар сонини ошириш, гўшт: сут ва бошқа хил чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш юзасидан тўққизинчи беш йилликда белгиланган топшириқлар ва олинган мажбуриятлар муваффақиятли бажарилишига эришадилар ва шу тариқа республиканинг социалистик экономикасини янада юксалтиришга янги муносиб ҳисса қўшадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1973 йил, 28 июнь. Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

(Боши биринчи бетда).

Айрим министрлик ва идоралар қурилишларда ҳисоб китоб қилиш ишини тартибга солишга етарли эътибор бермаганликларидан 1973 йилнинг 1 январига келиб, қурилишларда муддатида тўланмаган 46 миллион сўмлик кредиторлик қарзи ҳосил бўлган. Бу қарз Совхозлар министрлиги бўйича 13,6 миллион сўмни, Енгил саноат министрлиги бўйича 5,9 миллион сўмни, Озиқ-овқат саноати министрлиги бўйича 3 миллион сўмни ташкил қилган.

1972 йилда маорифни маблағ билан таъминлаш учун мўлжалланган бюджет маблағларидан 24,7 миллион сўм фойдаланилмай қолган. Умумий таълим мактаблари бўйича 11,2 миллион сўм фойдаланилмаган. Болалар боғчалари, мактаб-интернатлар, мактаблар ҳузуридаги интернатлар, ишчи ва қишлоқ ёшлари мактаблари шохобчалари етарли даражада ривожлантирилмаганлиги оқибатида кўпгина маблағлар ўзлаштирилмай қолган.

Мактабларда ва куни узайтирилган группаларда болаларни овқатлантириш, кутубхоналар, маданият саройлари ва уйлари ҳамда клублар учун ажратилган бюджет маблағларидан ҳам тўла фойдаланилмаган.

Штат-смета интизомини мустаҳкамлаш юзасидан тегишли чоралар кўрилганлигига қарамай, кўпгина корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар штатдан ортиқча ходимлар ушлаб туришига, оширилган оқладлар тўлашга, командировкалар учун ортиқча маблағлар сарфлашга, белгиланган маблағдан ортиқча харажатларга йўл қўймоқдаларки, бу ҳол бошқарув аппаратини арзонлаштириш юзасидан ўтказилаётган тадбирлар самарадорлигини пасайтириб юборади.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Совети **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджети даромадлар бўйича 3.587.334 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 3.530.304 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 57.030 минг сўм миқдорида ортиқ қилиб бажарилганлиги тўғрисидаги ҳисобот тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон ССР министрликлари ва идоралари зиммасига қуйидаги вазифалар топширилсин;

— хўжаликларда фойданинг ва рентабелликнинг роли оширилсин, ўз қарамоғидаги корхона ва ташкилотлар ходимларининг диққат эътибори хўжаликларда мавжуд резервларни ахтариб топиш ва сафарбар қилишга, давлат маблағларини сарфлашда қатъий тежамкорлик режимини амалга оширишга, жамғармаларни янада кўпайтиришга қаратилсин;

— маҳсулот ишлаб чиқариш ва уни реализация қилиш планлари, корхоналар ва хўжалик ташкилотлари молия натижалари бўйича топшириқларни бажаришлари устидан оператив контроль кучайтирилсин, қолоқликка йўл қўймаслик учун ўз вақтида тегишли чора-тадбирлар кўрилсин;

— ишлаб чиқариш қувватларидан фойдаланишни яхшилаш, товар-моддий бойликлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш, хўжаликларда мавжуд бўлган ортиқча хом ашё заслари, материаллар ва бошқа моддий бойликларни хўжалик оборотига тезроқ киритиш ҳисобига кўп талаб қилинадиган товарлар ишлаб чиқаришни кўпайтириш тадбирлари ишлаб чиқилсин ва амалга оширилсин;

— корхоналарнинг ишлари, улар ишлаб чиқарадиган буюмлар ва хизмат турлари нима учун зарар келтириши сабаблари ўрганиб чиқилсин, зарар кўриб ишлаш оқибатларини йўқотиш ёки қисқартириш тўғрисида таклифлар ишлаб чиқилсин. Товарлар чиқаришда ва хизмат кўрсатишда зарар кўрилишини, айниқса ишлаб чиқаришда асоссиз равишда ортиқча харажатлар қилиниши, ҳар қандай турдаги унумсиз сарфлар ва нобудгарчиликлар бўлиши билан боғлиқ бўлган ҳолларни камайтириш ёки бутунлай йўқотиш имкониятларини кидириб топишга алоҳида эътибор берилсин;

— 1973 йилда ўз қарамоқларидаги барча корхоналар ва хўжалик ташкилотларида ўз оборот маблағларининг тўла сақланиши, шунингдек оборот маблағлари айланишини тезлатиш топшириқлари бажарилиши таъминлансин;

— капитал маблағларнинг самарадорлигини оширишга эришилсин, ишга туширилиадиган объектларнинг белгиланган муддатларда фойдаланишга топширилиши, қурилишлардаги ички ресурслар сафарбар қилиниши, шунингдек фойдалардан тўловлар плани, амортизация ажратмалари ва капитал қурилишларни маблағ билан таъминлаш учун белгиланган бошқа хил маблағларнинг ўз вақтида тушиш плани бажарилиши таъминлансин;

— бошқарув аппаратини янада такомиллаштириш ва уни таъминлаш харажатларини қисқартириш масалаларига эътибор кучайтирилсин.

3. Ўзбекистон ССР Маориф министрлиги, Соғлиқни сақлаш министрлиги, Маданият министрлиги, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети ва меҳнаткашлар депутатлари Советларининг ижроия комитетлари зиммасига социал-маданий муассасалар шохобчаларини кенгайтириш топшириқларининг бажарилишини ҳамда бу муассасалар учун ажратилаётган давлат маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш вазифаси юклатилсин.

4. Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, меҳнаткашлар депутатлари область Советлари ва Тошкент шаҳар советининг ижроия комитетлари:

— 1973 йилда ҳамма шаҳар, район, қишлоқ ва посёлкаларда бюджетларнинг даромад қисми барча даромад манбалари бўйича бажарилишини, шунингдек, давлат маблағларидан самарали фойдаланишни таъминловчи чора-тадбирларни амалга оширсинлар;

— маҳаллий бюджетларни тузиш ва ижро этиш, уларнинг даромад базасини кенгайтириш ва мустаҳкамлаш ишларини такомиллаштиришга доимий эътибор бериб борсинлар.

5. СССР Қурилиш банки ва давлат банкининг республика конторалари зиммасига қурилишлар учун маблағ ажратишни яхшилаш ва бу маблағлардан фойдаланиш устидан кейинчалик контроль олиб боришни таъминлаш, қурилишнинг иқтисодий масалаларини ҳал қилишда қурилиш ташкилотларига ёрдам кўрсатиб туриш вазифаси юклатилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Совети ишонч билдирадики, республика министрликлари ва идоралари, корхона ва ташкилотларнинг раҳбарлари ишлаб чиқариш планлари ва социалистик мажбуриятлар тўла ва ортиғи билан бажарилиши учун, иқтисодий кўрсаткичлар яхшиланиши ва шу асосда Ўзбекистон ССРнинг беш йилликнинг ҳал қилувчи йили бўлган 1973 йилги давлат бюджети муваффақиятли бажарилишини таъминлаш учун барча зарур чораларни кўрадилар.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1973 йил, 29 июнь.
Тошкент шаҳри.

ЎЗБЕКИСТОН ССР 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР молия министри депутат
В. МУРОДХЎЖАЕВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўтган 1972 йил — ССР Иттифоқи ташкил этилганлигининг 50 йиллиги нишонланган йил кўп миллатли совет Ватанимиз тарихида шонли сана бўлди.

1972 йил Ўзбекистон учун халқ хўжалигини ривожлантиришда, халқнинг моддий савияси ва маданий даражасини юксалтиришда янги-янги муваффақиятлар йили бўлди.

Миллий даромад 1972 йилда 6,2 процент ўсди.

Саноат маҳсулотини реализация қилиш ва буюмларнинг кўпчилик энг муҳим турларини ишлаб чиқариш юзасидан давлат планини республика саноати муддатидан илгари бажарди. Ишлаб чиқарилган саноат маҳсулотининг ҳажми 1971 йилдагига нисбатан 6,6 процент ошди.

Шу билан бирга халқ хўжалигининг баъзи тармоқларида ички резервлардан тўла-тўкис ва самарали фойдаланилган эмас.

Меҳнаткашларнинг моддий фаровонлигини оширишга қаратилган тадбирларнинг умумий системасида халқ истеъмол моллари ишлаб чиқаришни кўпайтириш алоҳида ўринни эгаллайди. Ҳолбуки бир қанча корхоналар ўтган йили анча кам маҳсулот бердилар. Халқ истеъмол моллари ишлаб чиқариш ва етказиб бериш планининг тўла бажарилмаганлиги, шунингдек баъзи ташкилотларнинг ўзлари учун ажратилган товарлар фондини тўлатўкис олмаганликлари сабабли оборот солиги плани умуман бажарилгани ҳолда, саккиз тармоқ бўйича бу план 20,8 миллион сўмлик кам бажарилди. Трикотаж саноати бўйича оборот солиги 7,5 миллион сўм, тўқимачилик саноати бўйича 5,8 миллион сўм, пивочилик саноати бўйича 3,3 миллион сўм, тамаки саноати бўйича 1,8 миллион сўм, ёг-мой саноати бўйича 1 миллион сўм миқдорида кам тушди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Советига қарашли министрликлар ва идоралар 1972 йилда 1 миллиард 423 миллион сўм, ёки 1971 йилдагига қараганда 106,8 процент фойда олдилар. Фойдадан бюджетга тўловлар 884 миллион сўмдан иборат бўлди ва план 103,1 процент бажарилди.

Шу билан бирга бир қанча министрликлар ва идоралар ўзларига қарашли корхоналар ва ташкилотларнинг хўжалик-молиявий ишларида камчиликларга йўл қўйганликлари ва жамғариш планини бажармаганликлари натижасида бюджет олдидаги мажбуриятларини 22,7 миллион сўм миқдорида кам бажардилар.

Энергетика ва электрлаштириш министрлиги ўтган йили бюджетга фойдадан олинадиган тўловларни 1 миллион 533 минг сўм миқдорида, енгил саноат министрлиги 2 миллион 249 минг сўм, қурилиш министрлиги 2 миллион 741 минг сўм, савдо министрлиги 3 миллион 21 минг сўм, пахта тозалаш саноати министрлиги 9 миллион 849 минг сўм, Ўзбекистон ўрмон хўжалиги бош бошқармаси 1 миллион 458 минг сўм миқдорида кам берди.

Ўзбекистон ССР Молия министрлиги давлат бюджетини тузиш ва бажариш, раҳбарлик услуби ва методларини тубдан яхшилаш юзасидан барча молиявий ишларнинг савиясини янада кўтариш учун қўшимча тадбирларни амалга оширмоқда.

Ўзбекистон ССР 1972 йилги давлат бюджети республика Олий Совети тасдиқлаган планга нисбатан харажатлар бўйича 103,3 процент ва аниқланган планга нисбатан 100 процент бажарилди.

Давлат томонидан марказлаштирилган йўл билан капитал қурилишлар учун ўтган йили бюджетдан 1 миллиард 56 миллион сўм маблағ ажратилди.

Кейинги йилларда республикада капитал маблағлар сарфлашнинг самарадорлигини ошириш йўлида кўпгина тадбирлар кўрилди.

Шу билан бирга қурилиш ишларини ташкил этишда ҳали ҳам жиддий камчиликлар бор.

1972 йилда асосий фондларни ишга солиш плани ва капитал маблағлар сарфлаш плани бажарилмади. Шунинг натижасида қурилаётган бир қанча объектлар халқ хўжалиги планида кўзда тутилган муддатларда ишга туширилмади. Бу қурилишлар учун сарфланган маблағлар ва материаллар ўзлаштирилмаяпти. Қуриб битказилмаган объектлар сони кўпаймоқда. Шунинг натижасида мамлакат анчагина кам миқдорда маҳсулот олмоқда.

Қурилиш ишларида бошқа нуқсонлар ҳам бор. Кўпгина министрликлар ва идоралар капитал қурилишлар учун ажратилган ўз маблағларини сарфлаш планининг бажарилишини таъминламаяптилар. 1972 йилда мазкур министрликлар ва идоралар ўз маблағларидан 50,8 миллион сўм кам пул ажратдилар. Кўпчилик министрликлар ва идоралар қурилиш ишларида ички ресурсларни сафарбар қилиш юзасидан белгиланган топшириқларни адо этмадилар. Бажарилган қурилиш-монтаж ишлари учун ўз вақтида ҳисоб-китоб қилинмайди.

Ўзбекистон ССР давлат бюджетидан социал-маданий тадбирлар учун 1972 йилги чиқимлар 1 миллиард 703 миллион сўмдан иборат бўлди ёки республика Олий Совети тасдиқлаган планнинг 101,2 процентини ташкил этди ва 1971 йилдагига нисбатан 108,3 процентга етди. Лекин халқ маорифи соҳасидаги баъзи тадбирлар учун бюджетда белгиланган маблағлардан ўтган йили қариб 25 миллион сўм миқдорида фойдаланилмай қолди. Умумий таълим мактаблари учун ажратилган маблағлардан ўтган йили 11 миллион 183 минг сўм фойдаланилмай қолди. Болалар боғчалари, мактаб-интернатлар, мактаблар ҳузуридаги интернатлар, ишчи ва қишлоқ ёшлари мактабларининг тармоқлари ҳамда улардаги болалар ва ўқувчилар сони белгиланган миқдорга тўла етказилмаганлиги натижасида кўпгина маблағ ўзлаштирилмади. Мактабларда ва куни узайтирилган группаларда болаларга овқат бериш учун бюджетдан ажратилган маблағлардан ҳам тула фойдаланилган эмас.

КПСС XXIV съезди қарорларида бошқарув аппаратини такомиллаштириш масалаларига катта эътибор берилган. 1972 йилда республикада бошқарув аппаратини такомиллаштириш ва унинг чиқимларини камайтириш соҳасида ишлар давом эттирилди.

Аммо бу муҳим ишда жиддий нуқсонлар бор. Кўпгина министрликлар ва идоралар бошқарув аппаратини камайтириш ишларини асосан қўйи бўғинлар ҳисобидан бажаряптилар. Бир қанча корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар штат-смета интизомининг бузилишига йўл қўймоқдалар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари КПСС Марказий Комитетининг 1972 йил декабрь Пленуми қарорларини амалга ошириш учун курашиб, тўққизинчи беш йилликкинг учинчи, ҳал қилувчи йилини муваффақиятли бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, 1973 йилнинг ўтган ойлари мобайнида коммунизм қурилиши йўлида олга қараб янги, катта қадам қўйдилар. 1973 йилнинг ўтган ойлари якунлари беш йилликкинг учинчи, ҳал қилувчи йилида партия ва ҳукумат томонидан қўйилган вазифаларни республика меҳнаткашлари шараф билан бажараётганликларидан, КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошириш учун ўз меҳнатлари билан муносиб ҳисса қўшаётганликларидан, Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Коммунистик партияси ташкил этилганлигининг 50 йиллигини муносиб равишда кутиб олишга тайёр эканликларидан далолат бермоқда. **(Қарсаклар).**

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССРНИНГ 1972 ЙИЛГИ ДАВЛАТ БЮДЖЕТИНИНГ ИЖРОСИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети план-бюджет комиссияси раиси депутат Х. УМАРОВнинг қўшимча доклади

Депутат ўртоқлар! Республикамиз меҳнаткашлари 1972 йилда КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон Компартияси XVIII съездининг қарорларини амалга ошира бориб, республика экономикаси ва маданиятини ривожлантиришда, халқ фаровонлигини оширишда янги-янги муваффақиятларга эришдилар.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар республиканинг 1972 йилги бюджетини даромадлар бўйича 101,6 процент ва харажатлар бўйича киритилган ўзгартиришлари ҳисобига олган ҳолда планга нисбатан 100 процент бажариш имконини берди. Барча областлар, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон АССР бюджетнинг даромад планини бажардилар.

Халқ хўжалигини ривожлантиришда эришилган муваффақиятлар билан бир қаторда айрим тармоқларда мавжуд резервлар тўлиқ фойдаланилмай қолди. Бу ресурсларнинг сафарбар қилиниши республика экономикасини ривожлантириш суръатларини кучайтирган ва меҳнаткашларнинг турмуш шароитни янада оширишни таъминлаган бўлур эди. 1972 йилда умуман республика бўйича оборот солиғи ва фойдадан ажратмалар планини ошириб бажарилгани ҳолда бир қанча корхоналар ва хўжалик ташкилотлари даромадларнинг мана шу энг муҳим манбалари бўйича бюджет олдидаги мажбуриятларини 43,5 миллион сўм миқдорида кам бажардилар. Саноатнинг 20 тармоғидан 8 тасида оборот солиғидан бюджетга 20,8 миллион сўм, фойдадан ажратмалар эса 10 министрлик ва идора бўйича 22,7 миллион сўм кам тушди.

Республика министрликлари ва идоралари кейинги вақтда товар маҳсулотининг таннархини камайтириш масалаларига эътибор бўшаштириб қўйдилар. Республика Министрлар Советига қарашли саноат корхоналари бўйича умуман 1972 йилда маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажат план топшириқларига нисбатан 4,7 миллион сўм миқдорида ошиб кетди. Ҳолбуки, маҳсулот ишлаб чиқариш учун харажат миқдори 1970 йилда пландагига нисбатан 29,5 миллион сўм миқдорида камайтирилган эди.

Ишлаб чиқариш қувватларидан ва асбоб-ускуналардан фойдаланишни яхшилаш ишлаб чиқариш ҳажмини кўпайтириш учун, рентабелликни ва бюджет даромадини ошириш учун катта резервдир. Аммо бир қанча янгидан ишга туширилган ва ишлаб турган корхоналарда ишлаб чиқариш қувватларини ўзлаштириш ва улардан фойдаланиш ҳали ҳам қониқарсиз аҳволда.

Кўпгина саноат корхоналарида иш вақтининг анчагина бекор ўтишига йўл қўйилмоқда. Иш вақти шу қадар кўп бекор ўтгани ҳолда иш соатидан ташқари қилинган ишлар учун кўплаб ҳақ тўланмоқда.

Республика қурилиш министрликлари ва идораларининг ишларида ҳам ҳали анчагина жиддий камчиликлар бор. Улар асосий фондларни, ишлаб чиқариш қувватларини ва объектларини ишга солиш юзасидан белгиланган планларнинг бажарилишини таъминламаётирлар.

Бундай аҳволнинг келиб чиқишига асосан материаллар ва маблағларнинг ишга тушириладиган объектларга эмас, балки бошқа кўп объектларга сочиб юборилиши, қурилиш муддатларига риоя қилинмаётганлиги, шунингдек қурилишлар лойиҳа-смета ҳужжатлари ҳамда асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминланмаётганлиги сабаб бўлмоқда.

Капитал қурилишда биринчи навбатда ўрнатилмаган асбоб-ускуналар запасларини камайтириш ҳисобидан ички ресурсларни сафарбар қилиш планлари, шунингдек корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг капитал қурилишлар учун ўз маблағлари ҳисобидан пул чиқариш планлари бажарилмаётир. Пудратчи қурилиш-монтаж ташкилотларининг асосий кўпчилиги фойда олиш планининг, қурилиш-монтаж ишлари таннархини камайтириш юзасидан топшириқларнинг бажарилишини таъминламаётирлар, унумсиз харажатларга ва нобудгарчиликларга йўл қўймоқдалар. Бюджет олдидаги мажбуриятларини адо этмаяптилар.

Республикада товар оборот ҳажмини кўпайтириш соҳасидаги резервлардан тўлиқ фойдаланилмаётир. Савдо ишларида аҳолига савдо хизматининг прогрессив формалари айниқса Тошкент, Наманган, Қашқадарё, Сурхондарё ва Хоразм область савдо бошқармаларида сусткашлик билан жорий этилмоқда.

Министрликлар ва идоралар товар-материалларнинг нормада белгиланган миқдорига қараганда ортиқча запасларини камайтиришлари кераклиги Олий Советнинг ўтган сессиясида кўрсатиб ўтилган эди. Баъзи министрликлар бу соҳада муайян ишларни қилдилар. Аммо товар-материал запаслари нормадагига қараганда камайиш у ёқда турсин, балки кўпайиб бормоқда.

План-бюджет комиссияси министрликлар, идораларнинг, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетининг эътиборини оборот маблағларини сақлаш ва унинг оборотини тезлаштиришда, товар-материалларнинг нормада белгиланган ортиқча запасларини тезроқ ишга солишда, халқ хўжалигида ҳисобкитобни ўз вақтида қилиб туришда корхона ва ташкилотлар раҳбарларининг жавобгарлигини ошириш зарурлигига яна жалб этади.

План-бюджет комиссияси Ўзбекистон ССРнинг 1972 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни даромадлар бўйича 3 миллиард 587 миллион 334 минг сўм миқдорида ва харажатлар бўйича 3 миллиард 530 миллион 304 минг сўм миқдорида, даромадлар харажатлардан 57 миллион 30 минг сўм оширилган ҳолда тасдиқлаш тўғрисида таклиф киритади.

Республиканинг давлат бюджети халқ хўжалигини ривожлантириш планида кўзда тутилган барча тадбирларни маблағ билан таъминлаб турди.

Аммо республика министрликлари ва идораларининг хўжалик-молия фаолияти якунлари 1972 йилда халқ хўжалигининг бир қанча тармоқлари ишида юз берган камчиликлар 1973 йилда ҳам такрорланаётганлигини кўрсатиб турибди.

Шу йилнинг январь ойидан бошлаб май ойигача корхоналарнинг 7,2 проценти маҳсулотни реализация қилиш ҳажми бўйича планларни 11,7 миллион сўмлик кам бажардилар. Сифати паст ва аҳолига манзур бўлмаётган маҳсулотлар ишлаб чиқарилаётганлиги туфайли нобудгарчиликка йўл қўйилмоқда.

Министрликлар ва идоралар, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Совети, область ижроия комитетлари ва Тошкент шаҳар ижроия комитетларининг 1973 йил биринчи ярмидаги хўжалик-молия ишлари якунларини чуқур анализ қилишлари ва мавжуд камчиликларни тугатиш юзасидан конкрет чоралар кўришлари лозим. (**Қарсаклар**).

Ўзбекистон ССР Олий Совети ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиясининг раиси депутат Б. А. АБДУРАЗЗОҚОВ доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Советининг ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссияси менга сайловдан кейинги даврда шу комиссия бажарган ишлар тўғрисида ахборот беришни топширди.

Комиссия 1971 йил ноябрь ойида «Наманган областида динга қарши пропагандаининг аҳволи ва янги урф-одат ҳамда расм-русумларни ёшлар қаётига жорий қилиш тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди. Областда янги урф-одат ва расм-русумларни аҳолининг турмушига тадбиқ этиш кенгаши тузилди. Бу кенгаш шу соҳадаги ишларни ўрганади, умумлаштиради ва тавсиялари ишлаб чиқади. Кенгаш район ва ташкилотларда ги шу хилдаги кенгашларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб олиб боради. Кейинги вақтларда кўрилган тадбирлар натижасида жамоат ташкилотлари, корхона, колхоз, совхозлар, маданий-оқартув муассасалари коллективларининг, маҳалла комитетларининг ёшларни атеистик руҳда тарбиялаш, янги урф-одат ва расм-русумларни турмушга тадбиқ этиш соҳасидаги фаолияти анча кучайди.

Наманган областида «Интернационал дўстлик куни», «Пахта байрами», «Наврўз байрами», «Ҳарбий хизматга чақирилувчилар куни», «Ўроқ ва Болга байрами» ҳамда шу сингари ажойиб байрамларни ҳар йили ўтказиб туриш анъана бўлиб қолди.

Комиссия 1971 йил декабрь ойида «Тошкент маҳаллий Советларининг ёшларни касб танлашга ўргатиш ва уларни ишга жойлаштириш соҳасидаги ишлари тўғрисида»ги масалани муҳокама қилди.

Ана шу муҳим масалани кенг ўрганиш ва социологик тадқиқ этиш учун республика пойтахти танлаб олинганлиги бежиз эмас. Бир ярим миллион аҳолиси бўлган ва саноати ривожланган бу шаҳарда ҳали ҳам ишчилар етишмайди, хусусан ёшлар ўртасида кадрлар қўнимсизлиги кўп учраб туради.

Комиссия ёшларга меҳнат тарбияси бериш масаласига жамоатчилик эътиборини жалб эта олди. Комиссиянинг қарорларига жавобан ёшларни касб танлаб олишга ўргатиш масалалари маҳаллий Советлар ижроия комитетларининг мажлислари ва сессияларида, шунингдек шаҳар ва район халқ маорифи бўлимлари кенгашларида муҳокама қилинганлигини айтиб ўтиш кифоядир. Улар конкрет тадбирларни ишлаб чиқдилар ва амалга оширмоқдалар.

Аммо доимий комиссиянинг тавсияларини бажариш учун ҳамма ишлар амалга оширилди, деб бўлмайди. Айрим корхоналарда касбларни танлаб олиш бўйича маслаҳат берадиган пунктлар очилмаган, очиқ эшик кунлари ўтказилмаётир, мактабларни оталикка олишда расмиятчиликка йўл қўйилмоқда.

Мен кейинги икки масалага алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман. Бу масалалар комиссиянинг Гулистонда ўтказилган сайёр мажлисида ва Олий Совет Президиумининг мажлисида ҳар томонлама муҳокама қилинди. Бу масалалар Сирдарё областида ёш мутахассислардан фойдаланишга ва Қарши даштида ёш ишчиларга маданий-маиший хизмат кўрсатишга тааллуқлидир.

Республика Олий Советининг ва меҳнаткашлар депутатлари Сирдарё область Советининг ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялари биргаликда ўтказган мажлисда чиқарган қарорлари манфаатдор барча министрликлар, идоралар ва «Главсредазирсовхозстрой»га юборилди. Улардан олинган маълумотлар доимий комиссияларнинг тавсиялари министрликлар ва идораларнинг коллегияларида ҳамда Сирдарё область ижроия комитетининг мажлисида, шунингдек областдаги барча район ва шаҳар Советлари ижроия комитетларнинг мажлисларида муҳокама қилинганлигини кўрсатади. Советларнинг ижроия комитетлари, уларнинг ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссиялари ёш мутахассислардан фойдаланиш, уларнинг уй-жой, меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилаш, малакаларини ошириш масалаларига кўпроқ эътибор бера бошладилар. Область халқ хўжалигининг бир қанча тармоқларида кўрилган тадбирлар ва ёшларга эътибор кучайтирилганлиги натижасида бу соҳаларга келган мутахассислар билан ишлаш анча яхши йўлга қўйилди.

Олий ва ўрта ўқув юртларида сиртқи таълимга эътибор кучайтирилди. Мутахассисларнинг малакасини оширишнинг ўқув комбинатларида шуғулланиш каби формасидан ҳам фойдаланилмоқда. Масалан, Жиззахдаги бинокорлик материаллари заводида очилган ўқув комбинати турли ихтисослар бўйича 630 ишчини тайёрлади, «Голодностепстрой» бошқармаси ҳузурида эса «Таълим уйи» муваффақиятли иш олиб бормоқда. Бу ерда ёш мутахассислар қайтадан тайёрланмоқда. Ҳунар-техника таълимини янада ривожлантириш ва ривожланиб бораётган халқ хўжалиги учун кенг профилли кадрлар тайёрлаш соҳасида анча иш қилинди.

1972 йилда Жиззахда 330 ва Верхневолинск қишлоғида 300 қишлик янги ҳунар-техника ўқув юртлари очилди. Бу ўқув юртлари қишлоқ хўжалиги ва саноат учун механизатор ва бинокор кадрлар тайёрламоқда. 1973 йилда яна учта ҳунар-техника ўқув юрти ташкил этиш мўлжалланди.

Сирдарё областида ёш мутахассислардан фойдаланиш тўғрисидаги масалани тайёрлаш жараёнида бир областдагина эмас, балки республика миқёсидаги кўпгина муассасаларнинг фаолиятига алоқадор бўлган умумий характердаги бир қанча проблемаларга ҳам дуч келдик.

Аввало, мутахассисларнинг иш жойига келиши устидан доимий контроль ўрнатиш, улардан ишлаб чиқаришда фойдаланиш, мутахассисларни тақсимлашни планлаштиришга, ўқув юртларини тамомлаб чиққан ёшларни тақсимлаш комиссиялари ишига эътиборни жалб этмоқчи бўламан. Ўқув юртларини тамомлаб чиққан, лекин тайинланган жойга етиб келмаган мутахассислар минг-мингларни ташкил этади. Ёш мутахассисларнинг талайгина қисми тайинланган жойга бориш йўлида «кўздан ғойиб бўлиб қолади» ва турли муассасалар ҳамда ташкилотларга жойлашиб олади. Корхоналар, қурилишлар, колхозлар ва совхозларда эса ҳукуматнинг мустақил ишга жойлаш ҳуқуқи берилганлиги ҳақида ўқув юртининг справкаси ёки тегишли министрликнинг шоҳодатномаси бўлмаган мутахассисларни ишга қабул қилишни тақиқлаш тўғрисидаги кўрсатмасига риоя қилинмаётир.

Айни вақтда ўқув юртларидаги тақсимловчи комиссиялар ёш мутахассисларга ўз ихтиёри билан ишга жойлашиш ҳуқуқини бериш практикасини суиистеъмол қилмоқдалар, яъни ўқув юртларини тамомлаб чиқувчиларнинг кўпини жойларга тақсимлаб юбормаётирлар.

Комиссия давлатнинг тегишли органларига республика халқ хўжалиги учун мутахассислар тайёрлашни жорий планлаштириш ва хусусан перспектив планлаштириш масалаларини таҳлил этишни, ёш мутахассисларни тақсимлашнинг ва улардан амалий равишда фойдаланишнинг мавжуд практикасини ўрганиб чиқишни тошириш мақсадга мувофиқ бўлур эди, деб топди.

Сизларга маълумки, Қарши даштидаги жуда катта ерларни ўзлаштириш — мамлакатимиздаги энг йирик қурилиш объектларидан биридир. Бу объект комсомолларнинг Бутуниттифоқ зарбдор қурилиши деб эълон қилганлиги бежиз эмас. Янги ерларни ўзлаштираётган ёш ишчилар бу ерда қандай яшамоқдалар ва қандай шароитда меҳнат қилмоқдалар, бўш вақтларини қандай ўтказмоқдалар? Ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссия бу масалани ўрганиш билан доим шуғулланиб келмоқда.

Қарши даштини ўзлаштирувчи кўп минг кишилик коллективнинг талайгина қисмини ёшлар ташкил этади. Бу коллектив партия ва ҳукумат томонидан қўйилган катта ва мураккаб вазифаларни муваффақиятли ҳал этмоқда. Қарши даштида обод посёлкалар барпо этилди, бир неча юз километрлик автомобиль йўли, электр линиялар ва мелиорация иншоотлари қурилди. Кўпгина мактаб, шифохона, болалар муассасалари, савдо-сотиқ ва умумий овқатланиш корхоналари вужудга келтирилди.

Шу билан бирга ўтказилган текшириш меҳнаткашларга ва хусусан ёшларга маданий-маиший хизматни ташкил этишда бир қатор жиддий камчиликлар ҳам борлигини кўрсатди. Олий Совет Президиуми «Каршистрой» бошқармасига, Қашқадарё область ижроия комитетига ва тегишли министрликлар ҳамда идораларга ёш ишчиларнинг уй-жой-маиший шароитини яхшилаш юзасидан амалий тадбирларни амалга оширишни, касалхона комплекслари қурилишини жадаллаштиришни, бинокорларга маданий хизмат қилиш, савдо-сотиқ ва маиший хизмат кўрсатувчи муассасаларнинг ишидаги камчиликларга барҳам беришни, ҳар бир йигит ва қизнинг ўрта маълумот олиши учун шарт-шароит вужудга келтиришни тошширди.

Ёшлар масалалари билан шуғулланувчи доимий комиссия бу қарорнинг бажарилишини назорат қилиб туради ва бу муҳим масалани бундан буён ҳам муҳокама қилади.

Ҳисобот даврида бажарган ишимиз қисқа қилиб айтганда шундан иборат.

Доимий комиссия партия ташкилотимизнинг ва сайловчиларимизнинг юксак ишончини оқлаш учун зарур чораларнинг ҳаммасини кўради, ўз фаолиятини такомиллаштираверади. (**Қарсаклар**).

Ўзбекистон ССР Олий Совети транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссиясининг раиси депутат В. О. Козимов доклади

Депутат ўртоқлар! Коммунистик партия меҳнаткашлар депутатлари Советларнинг социалистик жамиятимиз ҳаётидаги ролини оширишга катта эътибор бериб келмоқда. Советларнинг фаолиятида уларнинг доимий комиссиялари алоҳида ўрин олади. «Доимий комиссияларни кўпайтириш, уларнинг фаолиятини янада планли равишда ташкил этиш депутатларга кўпроқ ташаббускорлик кўрсатиш, ижроия органлар иши билан чуқурроқ шуғулланиш, қонун лойиҳаларини тайёрлашда активроқ қатнашиш имконини беради», — деб таъкидлади ўртоқ Л. И. Брежнев КПСС XXIV съездидаги ҳисобот докладида.

Шу сабабли, доимий комиссиямизнинг республика Олий Совети ушбу сессиясида ҳисоботи эшитилаётганлигини биз республика Компартияси Марказий Комитети, республика давлат ҳокимияти олий органининг Советлар обрўсини янада ошириш тўғрисида, у. фаолиятидаги ҳамма ташкилий формаларни такомиллаштириш ҳақида қилаётган ғамхўрлигининг ифодаси деб биламиз.

Ўзбекистон ССР Олий Совети транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссияси составида 21 депутат бор. Улар транспорт мутахассислари, партия, давлат органларининг ходимлари, ишчилар, колхозчилар, идоларнинг раҳбарлари, республиканинг ҳамма областлари ва Қорақалпоғистон АССР, Тошкент шаҳри вакилларидан иборат. Бундай состав комиссия қарамоғидаги масалаларни малакали равишда кўриб чиқиш, асосланган тавсияларни ишлаб чиқиш, уларни амалга ошириш имконини беради.

Бизнинг республикамизда умуман тўққизинчи беш йиллик топшириқлари муваффақиятли бажарилмоқда. Маълумки, Бейнов — Қўнғирот темир йўл магистрали муддатидан аввал ишга туширилди, Тошкент темир йўл узели жадал суръатлар билан электрлаштирилмоқда. Автомобиль транспорти планни муваффақиятли равишда бажармоқда. Алоқа корхоналари кўпаймоқда, аҳолига хизмат кўрсатиш маданияти ошмоқда. 1975 йилгача республикада қаттиқ қопламали камида беш минг километр йўл қурилади.

Доимий комиссия халқ хўжалик планларининг бажарилишини контрол қилишни ўзининг энг асосий вазифаларидан бири деб ҳисоблаб келмоқда. Мавжуд резервларни қидириб топиш ва улардан янада тўлиқроқ фойдаланишга интилмоқда. Бу вазифа, аввало, ҳукумат томонидан Ўзбекистон ССР Олий Совети тасдиғига тақдим этилган планлар ва давлат бюджети лойиҳаларининг тегишли бўлимларини ўрганиш давомида ҳал этилди.

Комиссия министрликлар ва идоралар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар йили тингламоқда, зарур бўлган ҳолларда қўшимча топшириқлар белгилаш тўғрисида таклифлар киритмоқда. Қишлоқ жойларда алоқа воситаларини ривожлантириш топшириқлари қандай бажарилаётганлиги, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрликлари корхоналарида план топшириқларининг бажарилишининг борини текширилди.

Беш йиллик план топшириқлари қандай амалга оширилаётганлигини контроль қилиш масалалари бундан буён ҳам комиссиянинг диққат марказида бўлади. Йил охирида биз Бухоро областида алоқа воситаларини ривожлантириш юзасидан планда белгиланган кўрсаткичлар қандай бажарилганлигини текширишни мўлжалламоқдамиз.

Комиссия мажлисларида автомобиль йўлларини қуриш ва ишлатиш масалалари вақти-вақти билан муҳокама қилинмоқда. Автомобиль йўлларнинг узунлиги кўпайиб бормоқда. Бизда республика йўлларидаги қатнов узлуксиз ва хавф-хатарсиз бўлиши учун кўп иш қилинмоқда. Лекин комиссиянинг фикрича, йўлларни қуриш даражаси ҳамон автопаркнинг ва юк ташиш ҳажмининг ўсишидан орқада қолмоқда.

Комиссиянинг иш планларида айниқса темир йўл станцияларида ва республика аэропортларида аҳолига хизмат кўрсатишни ташкил этиш масалалари муҳим ўрин олди. Ўрта Осиё темир йўл бошқармаси, Граждан авиацияси бошқармаси комиссиянинг шу масалага доир 1972 йил 25 апрель қарорини бажариш юзасидан катта иш қилдилар. Бир қанча пассажир маршрутлари узайтирилганлиги, шу жумладан, Бейнов—Қўнғирот магистралидан фойдаланиб янги маршрутлар очилганлиги ҳар кеча-кундузда бултургига нисбатан анча кўп пассажир ташиш имконини берди.

Тошкентда ўрнатилган «Сирена» автомат системаси авиация билетларини сотишни ва транзит рейсларга жой бронлашни яхшилаш имконини беради. Кўпчилик областларнинг марказларидаги аэропортларнинг бинолари ободонлаштирилди, пассажирларга шаҳар автобуслари билан хизмат қилиш яхшиланмоқда. Бухоро, Ўрганч, Термизда авиация билетлари сотиладиган шаҳар кассалари очилди.

Шу билан бирга, комиссия ихтиёрида бўлган материалларга қараганда, айниқса ёз фаслида пассажирларга хизмат кўрсатишни ташкил этишдаги нуқсонлар меҳнаткашларнинг кўпгина шикоятларига сабаб бўлмоқда. Бу масалалар доимо республика транспорт ташкилотларининг ва меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советларининг диққат марказида бўлиши керак.

Доимий комиссия фаолиятида муҳим камчиликлар ҳам бўлди. Ҳамма масалалар етарлича чуқур ва батафсил тайёрланмаганлигини айтиб ўтмоқ лозим. Ижрони назорат қилиш ҳануз заиф участкалардан бири бўлиб қолмоқда.

Транспорт, йўл ташкилотлари, алоқа корхоналарининг фаолиятида катта-катта резервлар бор. Уларнинг ривожланиш суръатлари, бир қанча бўлинмалар ишининг самарадорлиги, сифати қўйилаётган талабларга ҳали мос эмас. Масалан, автопаркдан фойдаланиш коэффициентини ошириш топшириклари системали равишда бажарилмай келмоқда. Автомобилларнинг бекор қолиш, юксиз қатнаш ҳоллари кўп. Транспортдаги сермеҳнат процеслар суст механизацияланмоқда. Алоқанинг техникавий аҳволи ва ундан фойдаланишда ҳам камчиликлар кўп.

Мана шу ва бошқа проблемалар комиссиянинг доимо диққат марказида бўлади.

Партия ва ҳукумат шаҳар пассажир транспорти ишини такомиллаштиришга кўп эътибор бериб келмоқда. Кейинги йиллар республика шаҳарларида, биринчи навбатда Тошкентда бир қанча янги трамвай, троллейбус, автобус маршрутлари очилди. Вагонлар кўпайтирилмоқда ва янгиланмоқда, йўллар қурилмоқда ва ремонт қилинмоқда, ремонт базаси мустаҳкамланмоқда. Тошкент метрополитени қурилиши тобора авж олиб бормоқда.

Аммо пассажир транспорти шаҳар хўжалигида ҳамон танг жой бўлиб қолмоқда ва у саноат корхоналари иш маромига ноҳуш таъсир кўрсатмоқда, аҳолига ноқулайликлар келтириб чиқармоқда. Ҳаракат составидан яхши фойдаланмаслик шундай аҳволнинг муҳим сабабларидан биридир. Ҳаракат графиклари бузилишига йўл қўйилмоқда, машиналарнинг маршрутларга кечикиб келиши ёки барвақт жўнаб кетиш ҳоллари қайд этилмоқда. Маҳаллий Советларнинг ижроия комитетлари графикларга риоя этилишини етарлича кузатмаяпти, диспетчерлик хизматини йўлга солишга тегишли аҳамият бермаяпти. Доимий комиссия мана шу масалаларга ҳам кундалик эътибор бериб туради.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссияси аъзолари КПСС XXIV съезди ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг қарорларида республикамиз олдига қўйилган вазифаларни ҳал этишда бундан буён ҳам актив қатнашадилар, деб сизларни ишонтиришга рухсат бергайсиз. (**Қарсаклар**).

Ленин орденли Охунбобоев номли колхоз Янгиариқ районидаги энг йирик ва юқори ҳосилли хўжалик. Колхоз пахтакорлари 7500 тонналик «оқ олтин» хирмони бунёд этиш учун қизғин иш олиб боряпти-лар. Суратда: ғўза қатор ораларига ишлов берилмоқда.

К. Отаев фотоси. (ЎзТАГ).

ХИРМОНГА БАРАКА

ҒАЛЛА ФРОНТИДА

Қамаши районидаги Карл Маркс номли совхоз ғаллазорларида комбайнларнинг гуруллаган овози кеча-кундуз тинмаяпти. Дон ортилган юк машиналари, мослаштирилган тележкалар узлуксиз давлат тайёрлов пунктлари томон йўл оляпти. Бу йил Қамаши райони бўйича она-Ватанга 40 минг тонна дон топшириқ берилди. Шундан 18 минг 600 тоннасини совхоз ғаллакорлари тайёрлайди.

Ҳосил ҳар қачонгидан юқори бўлди. Мутахассисларнинг фикрига қараганда, 20 минг гектар майдоннинг ҳар гектаридан ўтган йилдагига нисбатан 4 центнердан кўп хирмон кўтариш мумкин. Шунинг учун ҳам комбайнчилар кеча-кундуз жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилмоқдалар, етиштирилган мўл ҳосилни сира нобуд қилмасдан ўриб-янчиб олиш учун астойдил курашмоқдалар.

Шу кунларда ғаллазорларда 64 та комбайн, кўплаб агрегатлар узлуксиз ишлаб турибди. 5-бўлимда 1000 гектар майдоннинг ғалласи ўриб олинди. Ҳар гектар ердан ўртача 12 центнердан хирмон кўтарилмоқда. Тоштемир Чориев, Мамаш Суюнов, Тўйчи Йўлдошев, Улаш Эшмурадов каби комбайнчилар ҳар куни 20 гектардан кўпроқ майдоннинг ғалласини ўриб янчиб, мўлдалар. Қорахон Турсунов, Жума Эшонгелдиев каби шоферлар кунлик дон ташиш топшириғини анча ошириб адо этмоқдалар.

Комбайнлар иши группа усулида ташкил этилган. Ҳар бир группага кўчма устахона бириктирилган. Енилги вақтида келтириб турилади. Комбайнлар билан машиналарнинг иши бир-бирига мослаштирилган. Комбайнчилар орасида социалистик мусобақа яхши йўлга қўйилган.

Социалистик мажбуриятларнинг бажарилиши кун сайин текшириб борилмоқда. Комбайнчилар мусобақада ғолиб чиқиш учун бугун кечагидан, эртага бугунгидан самаралироқ ишлаш учун ҳаракат қилмоқдалар. Ҳамма комбайнчилар кунлик графикни ошириб бажармоқдалар.

М. ЭСОНОВ,
«Совет Ўзбекистони»нинг штатсиз мухбири.

ЗАФАР САТРЛАРИ

БЕРУНИЙ. «Ўзбекистон ССР 40 йиллиги» совхози парранда боқарлари тайёрлов пунктларига 220 минг дона тухум топшириб, йиллик планни ошириб бажарди. Шунингдек, Беруний номли совхоз, Навоий номли колхоз парранда боқарлари ҳам йиллик маррани эгалладилар. Бу хўжаликларда яна бир йиллик план миқдорида тухум тайёрлаш мусобақаси қизитиляпти.

Ю. БЕКМУРОДОВ.

* * *

БАХМАЛ. «Сангзор» совхозида жун тайёрлаш йил сайин кўпайтирилмоқда. Хўжалик чорвадорлари тайёрлов пунктларига йилидаги 16 тонна ўрнига 20 тонна юқори сифатли жун тайёрлаб, йиллик планни ошириб ўринладилар. Кузги қиримни муваффақиятли ўтказиш билан давлатга жун топширишни 250 процентга етказиш чораларя кўриляпти.

Н. ХОЛБУТАЕВ.

СУРИЯДАН МЕҲМОНЛАР КЕЛДИ

Сурия Араб Республикаси Араб Социалистик Уйғониш партияси партия ходимларининг делегацияси Ўзбекистон билан танишга бошлади. Меҳмонлар 29 июнда Ўзбекистон пойтахтининг янги қурилишларини кўздан кечирдилар.

Сурия делегацияси Ўзбекистонда бир неча кун меҳмон бўлиб туради. (ЎзТАГ).

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИНГ БЕШИНЧИ СЕССИЯСИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНЛАРИНИ ТАСДИҚЛАШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари депутат Ҳ. М. ПЎЛАТОВА доклади

Депутат ўртоқлар! Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми саккизинчи чақириқ Ўзбекистон ССР Олий Советининг тўртинчи сессиясидан кейин қабул қилинган Фармонларни сизларнинг муҳокамангизга тақдим этади. Бу Фармонлар Ўзбекистон ССР Конституциясига мувофиқ республика Олий Совети томонидан тасдиқланиши керак.

«СССРда меҳнаткашлар депутатлари Советлари депутатларининг статуси тўғрисида» 1972 йил 20 сентябрда қабул қилинган ССР Иттифоқи Қонунида депутатлар фаолиятига, уларнинг ваколатлари, шунингдек асосий гарантияларига оид масалалар бирмабир баён қилиб берилди. Ўзбекистон ССР Конституциясининг амалдаги 35-моддаси бу қоидани ўзида тўла акс эттирмаслигини назарда тутиб, Олий Совет муҳокамасига мазкур моддани тегишинча ўзгартириш ҳақидаги Ўзбекистон ССРнинг Қонун лойиҳаси киритилмоқда.

Олий Советининг тўртинчи сессияси билан бешинчи сессияси ўртасида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми республиканинг амалдаги қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритган бир қанча Фармонлар қабул қилди.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 27 июнда «Депутатларга ўз депутатлик вазифаларини бажариш билан боғлиқ бўлган харажатларни тўлаш тўғрисида» 1938 йил 20 июлда қабул қилинган Ўзбекистон ССР Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида Фармон чиқарди.

Амалдаги қонунларга мувофиқ, халқ судьялари сайлови район, шаҳар территориясида шу район, шаҳар бўйича сайланиши лозим бўлган халқ судьялари сонига қараб сайлов округлари бўйича ўтказилади. Маълумки, ҳар бир сайлов округидан битта халқ судьяси сайланади. Бу қоидаларни Ўзбекистон ССРнинг суд тузилиши Қонунида ҳамда «Ўзбекистон ССР судьялари ва халқ маслаҳатчиларини муддатидан илгари чақириб олиш тартиби тўғрисида»ги Ўзбекистон ССР Қонунида ҳам акс эттириш лозим эди. Ана шунга кўра республика Олий Совети Президиуми 1973 йил 27 июндаги Фармони билан мазкур Қонунларга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритди.

ССР Иттифоқи Олий Совети Президиумининг «Граждан ҳаво кемаси экипажининг аъзоларига ўз хизмат бурчини бажариши билан боғлиқ тарзда етказилган зарар ҳақини тўлаш тўғрисида» 1973 йил 13 мартда чиқарган Фармонида граждан ҳаво кемаси экипажининг аъзоларига улар ҳаво кемаси ердан кўтарилаётган, учиб бораётган ёки ерга қўнаётган пайтда ўз хизмат бурчини бажариши вақтида етказилган зарар ўрнини қоплаш қоидалари, шунингдек бу зарар миқдорини аниқлаш шартлари ҳам белгилаб берилди. Шунга биноан, ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикалар гражданлик қонуни Асосларининг 93-моддасига баъзи бир ўзгартишлар киритилди.

Шунга асосан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 27 июнда «Ўзбекистон ССР Гражданлик кодексининг 492-моддасига тегишли ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Ўша куни Олий Совет Президиуми «Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал кодексининг 130-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Бу Фармоннинг мазмуни судларнинг оталикни белгилаш тўғрисидаги даъво аризаларини кўриб чиқиш практикасига алоқадордир.

Ўзбекистон ССР Гражданлик-процессуал кодексида белгиланган умумий қоидага биноан, даъво аризалари амалда жавобгар яшаб турган жойда қабул қилинади ва ўша ердаги суд томонидан кўриб чиқилади.

Никоҳ ва оила кодексини қўлланиш практикаси шуни кўрсатадики, даъвогарлар суднинг оталик белгиланганлиги тўғрисидаги ҳал қилув қарорини олгач, тегишли маълумотларни бола туғилганлиги ҳақидаги акт ҳужжатларига ёздириб қўйиш учун баъзан ЗАГС органларига бормайдилар ва натижада бу ҳақдаги қарор амалга ошмай қолади. Бундай қарорларнинг ижро этилишини тартибга солиш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 27 июнда «Ўзбекистон ССРнинг Никоҳ ва оила кодексига қўшимча ҳамда ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди. Айни вақтда республиканинг Никоҳ ва оила кодекси 233-моддасига ҳам керакли ўзгартишлар киритилди.

СССР Олий Совети Президиуми «Ҳаво кемасини олиб қочганлик учун жиноий жавобгарлик тўғрисида» 1973 йил 3 январда чиқарган Фармони билан ерда турган ёки учиб бораётган ҳаво кемасини олиб қочганлик, шунингдек бундай кемани олиб қочиш мақсадида уни эгаллаб олганлик учун, бундай жиноятларни олдиндан билатуриб яширганлик ҳамда бу ҳақда хабар бермаганлик учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйди. Шунга мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 30 январда Ўзбекистон ССР Жиноят кодексини ҳаво кемасини олиб қочганлик учун жавобгарликка тортишни кўзда тутувчи 2093-модда билан тўлдириш ҳамда мазкур Кодекснинг айрим жиноятларни яширганлик ва бу ҳақда хабар бермаганлик учун жавобгарликка тортиш белгиланган тегишли моддаларига зарур ўзгартишлар киритиш тўғрисида Фармон қабул қилди.

ССЕР Олий Совети Президиумининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг жиноят қонуни Асосларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги 1973 йил 9 март Фармони билан мазкур Асосларгаги оғир жиноят тушунчаси ва алоҳида хавфли рецидивистлар тушунчаси баён қилинган нормаларга ҳамда жазодан муддатидан илгари шартли равишда озод қилиш, мол-мулкини мусодара этиш масалаларини тартибга солувчи нормаларга қўшимчалар киритилган эди. Ана шу Фармонга мувофиқ, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ҳам 1973 йил 28 майда «Ўзбекистон ССР Жиноят кодексига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Бундан ташқари, республика Жиноят кодекси талон-торож қилмай, фақат алдаш ёки ўзига топширилган ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ҳам давлатга ёхуд жамоат ташкилотига зарар етказганлик учун жиноий жавобгарликка тортишни кўзда тутувчи 1181-модда билан тўлдирилди. Жиноят кодексининг бундай модда билан тўлдирилишини шу нарса тақозо этар эдики, кейинги пайтда темир йўл, ҳаво транспорти ва шаҳарлараро автомобиль транспортида пассажирлар ва багажларни шу хил транспорт ходимлари билетсиз ташийдиган бўлиб қолганлар. Бунинг учун пассажирлардан тўплаб олинган пуллар мазкур хизмат ходимлари томонидан ўзлаштириб келинган. Бу ҳол эса халқ хўжалигига катта зарар етказади. Кодексга киритилган янги модда эса бошқа корхона ҳамда ташкилотларда ишлаб, шундай зарар етказувчи ходимларни ҳам жавобгарликка тортишни назарда тутади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонлари билан республика Жиноят-процессуал кодексининг тегишли моддаларига зарур ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Бундан ташқари, Жиноят-процессуал кодекси тергов органларига кечиктириб бўлмайдиган ҳолларда ҳодиса рўй берган жойни жиноий иш қўзғатилишидан олдин ҳам кўздан кечириб чиқиш ҳуқуқини берувчи норма билан тўлдирилди. Бундай ҳолларда, башарти асосли далиллар мавжуд бўлса, жиноий иш ҳодиса рўй берган жой кўздан кечириб чиқилгандан кейин дарҳол қўзғатилади.

СССР Олий Совети Президиумининг «ССР Иттифоқи ва иттифоқдош республикаларнинг ахлоқ тузатиш-меҳнат қонуни Асосларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида»ги 1973 йил 25 апрель Фармонига асосан, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми шу йил 27 июнда «Ўзбекистон ССРнинг Ахлоқ тузатиш-меҳнат кодексига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» янги бир Фармон қабул қилди.

Республика Олий Совети Президиуми 1973 йил 22 февралда «Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг «Ашаддий ичкиликбоз (алкоголик)лар ва наркоманларни мажбурий даволаш ва меҳнатда қайта тарбиялаш тўғрисида»ги Фармонига ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритиш ҳақида» Фармон қабул қилган эди.

Фармонларни тасдиқлаш тўғрисидаги Қонун лойиҳалари ҳаммангизга берилган.

Республикамиз ишлаб чиқарувчи кучларини ривожлантириш истиқболларини назарда тутиб ва халқ хўжалигига раҳбарлик қилишни янада кучайтириш ҳамда аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 12 апрелда «Ўзбекистон ССР составида янги районлар тузиш тўғрисида» Фармон қабул қилди.

Ўтган давр ичида республикамиз Ҳукумати составида баъзи бир ўзгаришлар қилинди.

Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг тақдимига мувофиқ, 1973 йил 29 мартдаги Фармонлар билан Ўртоқ Ваҳобжон Усмонов Ўзбекистон ССР Пахта тозалаш саноати министри қилиб тайинланди, Ўртоқ Мирзаолим Иброҳимов эса бошқа ишга ўтганлиги муносабати билан бу вазифадан озод қилинди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг шу йил 14 июндаги Фармонларига асосан Ўртоқ Ғайни Нажимов Ўзбекистон ССР маданият министри қилиб тайинланди, Ўртоқ Анвар Марасулович Қўчқоров эса саломатлиги юзасидан берган аризасига биноан ана шу вазифадан озод этилди.

Ўтган вақт ичида республика Олий Суди составида ҳам баъзи ўзгаришлар бўлди. Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми 1973 йил 27 июнда Жўра Бойматовни республика Олий Судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисида Фармон қабул қилди. Шунга кўра уни Ўзбекистон ССР Олий Судининг аъзоси вазифасидан озод қилиш тўғрисидаги таклиф муҳокамангизга тақдим этилади.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми сизлардан юқорида айтиб ўтилган масалалар бўйича Ўзбекистон ССР Қонунлари ва Олий Совет Қарорларининг лойиҳаларини кўриб чиқиб, уларни тасдиқлашингизни сўрайди. (Қарсаклар).

ДЕПУТАТ В. МУРОДХЎЖАЕВ ДОКЛАДИ ВА ДЕПУТАТ Х. УМАРОВНИНГ ҚЎШИМЧА ДОКЛАДИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

Депутат Б. А. ЗАЙЦЕВ нутқи

Тошкент шаҳар ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари

Тошкент шаҳрининг бюджети — республика бюджетининг таркибий қисмларидан биридир. Республикамиз пойтахти хўжалиги ва маданиятининг ҳамма соҳаларига йил сайин тобора кўп маблағ сарфланмоқда.

1972 йилда Тошкентнинг бюджети даромадлар бўйича 280,9 миллион сўм миқдорида ёки 101,2 процент бажарилди. Республика бюджетидан ажратилган маблағларни ҳам ҳисоблаганда жами 294 миллион сўм сарф қилинди.

Планларни ва социалистик мажбуриятларни бажариш, бюджетга маблағ бериш масалалари шаҳар ва район Советлари, уларнинг ижроия комитетлари, доимий комиссиялари ва молия органларининг ҳамиша диққат марказида турибди. Корхоналар ва ташкилотларнинг иш якунлари ижроия комитетларнинг мажлисларида мунтазам равишда қараб чиқилмоқда.

Шаҳар, район Советлари экономика ва маданиятни ривожлантиришга, меҳнаткашлар фаровонлигини оширишга самарали таъсир ўтказа бошладилар, халқ хўжалиги плани ва бюджетнинг бажарилиши масалалари билан яқиндан шуғулланмоқдалар. Контроль-иқтисодий ишни кучайтириш натижасида бюджетга қўшимча равишда уч миллион сўмдан ортиқ маблағ тушди. Бу эса халқ хўжалик планида белгиланган ҳамма тадбирларни пул билан узлуксиз таъминлаб туришдан ташқари, қўшимча харажатларни ҳам қоплаш имконини берди. Бироқ, айрим корхоналар ва хўжалик ташкилотларининг раҳбарлари бюджет олдидаги мажбуриятларини ўз вақтида бажариш масалаларига дуруст эътибор бермаётирлар.

План ва бюджетнинг бажарилиши анализ қилиб кўрилганда, республикамиз пойтахтининг хўжалиги сингари жуда катта кўп қиррали хўжаликда халқ хўжалик плани ва бюджетни ишлаб чиқиш вақтида ҳамма нарсани назарда тутиб бюджетнинг тақсимланишини ҳам Қурилиш, Қишлоқ қурилиши министрликларидан ва «Главташкентстрой»дан илтимос қиламиз.

Кейинги вақтларда республикада кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Шу билан бирга, республика ва Иттифоқ қарамоғидаги шу молларни ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган баъзи бир корхоналар ишида катта-катта камчиликлар бор. Бир қанча ҳолларда молларнинг келиб олинган турлари ишлаб чиқарилмаётир, бунда қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмаётир, сифати паст маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва уларни савдо ташкилотларига юборишга йўл қўйилмоқда.

Биз маҳсулот сифатини яхшилистик мажбуриятларни тўла ва ошириб бажаришни таъминлайдиган яхши меҳнат суръати бошланганлигидан далолат беради. Шаҳар хўжалиги муваффақиятли ривожланмоқда ва шаҳарни иқтисодий ҳамда социал ривожлантиришга доир ҳамма тадбирлар ўз вақтида пул билан таъминлаб турилибди.

Тошкент меҳнаткашлари 1973 йил плани ва бюджетини муваффақиятли бажариш учун бутун кучини сарф қиладилар, республикамиз пойтахти хўжалигини ривожлантиришда янги катта муваффақиятларга эришадилар. (Қарсаклар).

Депутат М. Ҳ. ҲАСАНОВ нутқи

«Ўзбекбирлашув» правлениесининг раиси

Республиканинг барча меҳнаткашлари каби Ўзбекистон кооператорлари ҳам тўққизинчи беш йилликнинг иккинчи йилида хўжалик ва молия фаолиятининг барча асосий кўрсаткичлари юзасидан белгиланган планларни ва олинган социалистик мажбуриятларни муваффақиятли равишда бажаришга эришдилар.

1972 йилда «Ўзбекбирлашув» системасида капитал маблағ ҳажми планга нисбатан 112 процент бўлди. 495 та магазин ва 98 та умумий овқатланиш корхонаси қурилди.

Беш йилликнинг ўтган икки йили мобайнида 2800 тонна ҳўл мева сақланадиган омбор, 8300 тонна сабзавот-картошка сақланадиган омбор, 18 минг тонна маҳсулот қабул қилинадиган тайёрлов пункти ва бошқа кўпгина объектлар қурилиб, ишга туширилди. Лекин зарур материаллар етказиб берилмаётганлиги натижасида катта омборларни қуриш чўзилиб кетмоқда. Госпландан ва моддий-техника таъминоти бош бошқармасидан бизнинг қурилиш материалларига, асбоб-ускуналарга ва транспортга бўлган эҳтиёжимизни яна бир марта қараб чиқишни сўраймиз.

Биз савдо базалари, музхоналар, универмаглар ва бошқа савдо корхоналари қурилиши жуда суст бораётганлиги сабабли уларни қуришни тезлаштиришни ҳам Қурилиш, Қишлоқ қурилиши министрликларидан ва «Главташкентстрой»дан илтимос қиламиз.

Кейинги вақтларда республикада кенг истеъмол моллари ишлаб чиқариш анча кўпайди. Шу билан бирга, республика ва Иттифоқ қарамоғидаги шу молларни ишлаб чиқариш билан шуғулланаётган баъзи бир корхоналар ишида катта-катта камчиликлар бор. Бир қанча ҳолларда молларнинг келиб олинган турлари ишлаб чиқарилмаётир, бунда қишлоқ аҳолисининг талаб ва эҳтиёжлари ҳисобга олинмаётир, сифати паст маҳсулотларни ишлаб чиқаришга ва уларни савдо ташкилотларига юборишга йўл қўйилмоқда.

Биз маҳсулот сифатини яхшилаш, турларини кўпайтириш ва етказиб бериш муддатларини тезлаштириш масаласини кўриб чиқишни Енгил саноат, Озиқ-овқат саноати, Маҳаллий саноат министрликларидан, айниқса мебель ва ёғочсозлик саноати бошқармасидан илтимос қиламиз.

Ўзбекистон кооператорлари беш йилликнинг учинчи, ҳал қилувчи йили учун қабул қилинган социалистик мажбуриятларни бажариш йўлида ҳамма чораларни кўрадилар. (Қарсаклар).

Депутат И. ҚЎЧҚОРОВ нутқи

Сирдарё область ижроия комитети раисининг биринчи ўринбосари

Сирдарё областининг меҳнаткашлари Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва республика ҳукуматининг кундалик ёрдами ва ғамхўрлигига таяниб, ўтган юбилей йилида яхши натижаларга эришдилар. Саноат корхоналари маҳсулот реализация қилиш планини 106 процент қилиб адо этдилар. Қишлоқ хўжалик меҳнатчилари ажойиб муваффақиятларга эришдилар. Бу ерда қўриқ ерларни ўзлаштириш тарихида биринчи марта 515 минг тонна пахта етиштирилиб, давлатга топширилди. Давлат даромадлари плани ва область маҳаллий бюджетининг даромад қисми бажарилди.

Сирдарё областининг маҳаллий Советлари давлат даромадлари планининг бажарилишини ва маҳаллий бюджетлар ижроси масалаларини ҳамиша назорат қилиб турадилар. Бу масалалар Советларнинг сессияларида ва уларнинг ижроия комитетлари мажлисларида мунтазам равишда кўриб чиқилмоқда. Аниқланган камчиликларни тугатиш юзасидан зарур чоралар кўрилмоқда.

Область ижроия комитетининг апрель ойида бўлиб ўтган мажлисида маҳаллий бюджетни ҳам даромадлар, ҳам харажатлар бўйича барча район, шаҳар, посёлка ва қишлоқ Советлари сўзсиз ижро этишларини таъминлашлари юзасидан конкрет тадбирлар ишлаб чиқилди ва тасдиқланди.

Биз бюджетнинг ҳал қилувчи моддаси—оборот солиғи планини 1972 йилда ҳам шу йилнинг биринчи кварталида ҳам бажаролмадик. Бу асосан пойафзал ва тикилган буюмлар фондининг тўла берилмаётганлиги сабабли рўй берди. Шу боисдан сўнгги уч йил ичидагина бюджетга 2 миллион сўмдан кўпроқ маблағ тушмай қолди. Республика Савдо министрлигидан бу масалада бизга амалий ёрдам кўрсатишни илтимос қиламиз.

Область 1973 йил маҳаллий бюджетининг харажат қисмида мактабларнинг капитал ремонти учун 908 минг сўм, район марказларини, шаҳарларни ва посёлкаларни обод қилиш учун 1 миллион 358 минг сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган. Ана шу мақсадлар учун областга қўшимча маблағлар талаб қилинади.

Биз 1973 йилда бюджетнинг даромадлар бўйича ҳам, харажатлар бўйича ҳам муваффақиятли ижро этилишини таъминлаш юзасидан бутун чораларни кўрамиз. (Қарсаклар).

Депутат Ф. ҲЎЖАЕВ нутқи

Ўзбекистон ССР енгил саноат министри

Республика енгил саноатининг ходимлари Ўзбекистон ССР Олий Советининг навбатдаги сессиясини тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи, учинчи йили топшириқларини барвақт бажариш учун мусобақада эришилган муваффақиятлар билан қутиб олмоқдалар.

Аммо мавжуд баъзи ижобий натижаларга қарамай, енгил саноатимиз техника даражаси, меҳнат унумдорлиги, тайёрланаётган буюмлар хили ва сифати жиҳатидан қўйилаётган талаблардан ҳамон орқада.

Енгил саноат соҳаларини принципиал янги машина-ускуна, технологик процесслари ва конструкцияларини жорий этиш йўлида техника жиҳатидан қайта қуроллантириш вазифалари турибди. Ҳозирги вақтда ишлатилаётганидан сифат жиҳатидан фарқ қилувчи бу қайта қуроллантириш саноат ишининг барча техникавий-иқтисодий кўрсаткичларини анча оширишга имкон беради ҳамда маҳсулот чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилашга ёрдам беради.

1972 йилда умуман министрлик фойда олиш планини бажармади. Маҳсулот таннархининг қимматлашиши — маҳсулот хилларининг бузилиши ва унумсиз харажат бўшинг асосий сабабчиси бўлди. Бир қанча корхоналар ўз оборот маблағларини дебитор қарзларга тўлашга, нормадан ташқари запасларни сақлашга, планда кўзда тутилмаган харажатлар қилишга сарфлаб, камайтириб қўйди.

Кўрилган чоралар натижасида шу йил аҳвол ўзгарди.

Шу йилнинг беш ойи мобайнида плондан ташқари 7853 минг сўм жамғарма тўпланди. Бюджетга бериладиган пул плани ҳам ошириб бажарилди.

Аммо 1972 йилда министрлик корхоналари бўйича фойда плани бажарилмаганлиги сабабли хусусий оборот маблағлар етишмай қолди. Корхоналар шу камчиликни вақтинча қоплаш учун қарз олди, лекин айрим корхоналар қўшимча молиявий ёрдамга муҳтож. Ўзбекистон ССР Молия министрлиги мана шу масалани ҳал қилиб беришини сўраймиз.

Республика енгил саноати ходимлари аҳолининг хилма-хил газлама, пойафзал, трикотаж маҳсулотлари ва бошқа хил саноат истеъмол молларига бўлган тобора ўсаётган эҳтиёжларини қондириш учун ҳамма куч-ғайратларини сарфлайдилар. (Қарсаклар).

Депутат У. БЕГМАТОВ нутқи

Фарғона область Киров район партия комитетининг биринчи секретари

Фарғона областининг экономикани юксалтиришда эришган муваффақиятлари, меҳнаткашлар депутатлари маҳаллий Советлари молия хўжалик фаолиятининг яхшиланиши, шунингдек молия органларининг назоратини яхши йўлга қўйганлиги область бюджети даромад қисмини ошириб бажаришга имкон берди. Областнинг 1972 йилги бюджети даромадлар бўйича 102,6 процент қилиб бажарилди.

Область бюджетининг даромад қисми барча манбаълар бўйича бажарилди. Кейинги бир неча йилдан бери барча шаҳар, район, қишлоқ, поселка Советлари ўз маҳаллий бюджетларини ошириб бажаришмоқда. Область бюджети даромад қисмининг муваффақиятли бажарилиши планда белгиланган объектлар қурилишини пул билан таъминлаб туришга имкон берди.

Ҳар ой қолоқ корхоналарда шу корхона раҳбарларининг қатнашуви билан ўтказилиб келаётган муҳокамалар область халқ хўжалик планлари ва бюджетини бажаришда муҳим роль ўйнамоқда. Биз 1973 йилдан бери шундай қилиб келмоқдамиз.

Область бюджетининг даромад плани биринчи кварталда ҳамма манбаълар бўйича 108,2 процент бажарилди. Давлат бюджети ва маҳаллий бюджет ошириб бажарилиши ҳисобига биринчи кварталда 6,3 миллион сўм даромад олинди. Биринчи ярим йил даромад плани ҳам ошириб бажарилди. Ленин билан бирга биз халқ хўжалик планларини ва бюджет топшириқларини бажаришда барча имконият ва резервлардан тўла фойдаланяпмиз, деб айтаолмаймиз.

Областда умуман меҳнат унумдорлигини ошириш топшириғи бажарилган бўлсада, бир қанча саноат корхоналари бу кўрсаткичларни уддалай олмади. Баъзи корхоналарда қўшимча ишчи кучларини жалб қилиш ҳисобига ишлаб чиқариш планлари бажарилди, бу эса меҳнат унумдорлигининг ўсишига нисбатан ўртача иш ҳакини ошириб юборди. Баъзи қурилиш ташкилотлари саноат корхоналари ва маданий-маиший объектларни қуриш ва ишга туширишни чўзиб юбормоқда.

Область ижроия комитети ва маҳаллий Советлар областнинг ҳамма саноат корхоналари тўққизинчи беш йилликнинг ҳал қилувчи учинчи йилига белгиланган техника иқтисодий кўрсаткичларга муваффақиятли равишда эришишга учун конкрет чораларни белгилаб чиқмоқда.

Мен республиканинг 1972 йилги давлат бюджети ижроси тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлашни таклиф қиламан. (Қарсаклар).

Меҳнат рапорти

Якутия АССР, Брест, Пенза, Пермь, Тошкент, Сахалин, Гурьев областлари, Хабаровск ўлкаси қишлоқ хўжалик меҳнатчилари КПСС XXIV съезди қарорларини амалга ошира бориб давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш юзасидан белгиланган халқ хўжалик планларини муддатидан илгари бажардилар.

Брест областининг чорвачилик ходимлари давлат тайёрлов пунктларига 67 минг тонна гўшт, 229 минг тонна сут, 53,5 миллион дона тухум ва 150 тонна жун етказиб бердилар.

Пенза областидаги хўжаликлар давлатга гўшт сотиш ярим йиллик планини 138 процент, сут бўйича 117 процент, тухум бўйича 111 процент ва жун бўйича 100 процент бажардилар.

Якутия АССР, Тошкент, Сахалин, Пермь, Гурьев областлари, Хабаровск ўлкаси қишлоқ хўжалик ходимлари давлатга чорвачилик маҳсулотлари сотиш биринчи ярим йил халқ хўжалик планларини анча ошириб адо этдилар.

Редактор М. ҚОРИЕВ.

ЗАНГОРИ ЭКРАНДА

2 ИЮЛ — ДУШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.55 — Совет Армияси жангчилари учун кўрсатув. 19.25 — «Ҳамма билган номаълум киши» (бадиий фильмнинг 1-серияси). 20.30 — Ахборот. 20.45 — Оламда нима гап? 21.10— Ўн минут музика. 21.40 — Бир актёр театри. М. Горький. «Инсон». 22.00— «Вақт». 22.30 — Дала ишлари кундалиги. 22.40 — Ўзбек куйларидан концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 13.00—МОСКВА 18.30 —МОСКВА. СССР Давлат Академик симфоник оркестрининг концерти. 19.30 — Фёдор Гладков. Ёзувчи туғилган кунининг 90 йиллигига бағишланган кўрсатув. 20.05 — **Уз ҳаҳ ҳинда менга сўйлаб бер** (бадиий фильм). 22.00 — ТОШКЕНТ. Кинофильм. «Олтин дарвоза». Достон-репортаж. 22.30 — МОСКВА. Ҳужжатли фильм. 23.30—Концерт. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 18.00 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

3 ИЮЛ — СЕШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — **«Дактари»** (бадиий фильмнинг 20-серияси). 13.30 — Рангли телевидение. З. Анжапаридзе ва С. Даниелюк куйлайди. 14.00 — Кинокўрсатув. 15.00 — Ажойиб сайёҳлар. 15.30 — Мусобақа кундалиги. 15.40 — Касб-ҳунар ҳақида ҳикоялар. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Қувноқлар даврасида. 19.05 — Ахборот. 19.20 — Беш йилликнинг учинчи йили. 19.50— Ахборот. 20.10 — Музикали салом. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Қишлоқ хўжалиги билимлари телевизион халқ университети. 23.00 — Кинокўрсатув. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.30 — **«Сехрли яхтан»** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. Томошабинлар талабларига мувофиқ концерт. 19.15 — «Фан оламида». 19.30 — «Опера саҳнаси усталари »Елена Сулиотис. 20.15 — Халқаро панорама. 20.45 — Рангли телевидение. **Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади** (бадиий фильмнинг 4-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Меҳнат семестри бошланди!». 22.30 — Эфирда «Молодость». 23.30 — Спорт программаси. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — Тошкент янгиликлари. 19.15 — «Шаҳар тепасидаги кабутарлар» (телеочерк). 19.50 — **Қотилликда айбланадилар** (бадиий фильм). 21.25 — Реклама ва эълонлар. 21.35 — «Моцарт ва Сальери» (фильм-опера).

4 ИЮЛ — ЧОРШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 12.35 — Янгиликлар. 12.45 — **Дактари** (бадиий фильмнинг 21-серияси). 13.30 — Рангли телевидение. Бор эканда, йўқ экан... 18.25 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Телевизион кўғирчоқ театри. 19.05 — **Ҳамма билган номаълум киши** (бадиий фильмнинг 2-серияси). 19.45 — Ахборот. 20.00 — «Социалистик мусобақа кенг қулоч ёйсин!». 20.30 — «Ғўзаллик куйчиси». Телеочерк. 20.50 — Ўн минут музика. 21.00 — Ахборот. 21.20 — Най наволари. 22.00 — «Вақт». 22.30 — Дала ишлари кундалиги. 22.40 — Ёш ижрочилар концерти. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — «Звездочка». 11.40 — Фильм-концерт. 12.05 — **«Дон Кихот болалари»** (бадиий фильм). 18.25 — МОСКВА.19.25 — Маҳсулотлар— халққа. 19.55 — Эфирда «Молодость». 20.55 — **Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади** (бадиий фильмнинг 5-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. РСДРП II съездининг 70 йиллигига. В. И. Ленин Марказий музейи Тошкент филиалидан репортаж. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Оқ дача (телевизион фильм). 20.00 — **Павел Корчагин** (бадиий фильм). 21.35 — Ҳужжатли фильм.

5 ИЮЛ — ПАЙШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30— МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Мультфильм. 18.45 — **«Ёшлик»**. «Она шаҳрим — Тошкентим». 19.10 — Ахборот. 19.25 — МОСКВА. Телевизион ҳужжатли фильм. 19.45 — ТОШКЕНТ. «Тошкент — Олмаота мусобақаси». Икки мусобақадош шаҳар йўқламаси. 20.15— Шеърият муҳлисларига. 20.25 — Ахборот. 20.45 — Концерт. 21.15 — **«Ёшлик»**. «Қалб амри билан». 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30— ТОШКЕНТ. «Мустаҳкам озуқа базаси учун». 22.50 — Концерт. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Мультфильм. 11.20 — Қувноқ пионер ёзи. 11.40 — **Бадиий фильм.** 18.30 — МОСКВА. 19.25 — ТОШКЕНТ. «Шаҳримиз ободонлиги ва гўзаллиги учун». 19.45 — МОСКВА. «Прага баҳори» санъат фестивалининг концерти. 20.20 — «Жасорат» тележурнали. 20.50 — **Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади** (бадиий фильмнинг 6-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Шифокор экрани. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Телефильм. 19.50 — Реклама ва эълонлар. 20.00 — Концерт. 20.30 — Ҳужжатли фильмлар экрани. 20.50 — **Бадиий фильм.**

6 ИЮЛ — ЖУМА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 12.30. — МОСКВА. 18.30 — ТОШКЕНТ. 18.35 — Кинопрограмма. 19.05 — **«Ёшлик»**. «Х. Бутунжаҳон ёшларининг фестивали». 19.55 — Ахборот. 20.10 — «Ўзбекистон» тележурналининг 12-сони. 20.20 — Ўн минут музика. 20.30 — Ахборот. 20.50 — **Шашмақом** (телевизион бадиий фильм). 22.00 — МОСКВА. «Вақт». 22.30 — ТОШКЕНТ. «Олтин водий» программаси. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 10.55 — ТОШКЕНТ. 11.00 — Кўғирчоқ фильм. 11.25 — «Бойчечак». 12.00 — **Александр Невский** (бадиий фильм). 18.30 — МОСКВА. «Китоб дўкони». 19.15 — Концерт. 19.30 Ўқувчилар учун кўрсатув. 20.00 — Телеочерк. 20.30 — «Музикали учрашувлар» почтаси». 20.55 — **Соялар чошгоҳда ғойиб бўлади** (бадиий фильмнинг 7-серияси). 22.00 — ТОШКЕНТ. Тошкент кўргазма заллари бўйлаб. 22.30 — МОСКВА. УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 19.00 — ТОШКЕНТ. 19.15 — Телевизион ҳужжатли фильм. 19.30 — «Ўқишга марҳамат». 19.55 — **Дима Горининг мартабаси** (бадиий фильм).

7 ИЮЛ — ШАНБА

БИРИНЧИ ПРОГРАММА. 9.55 — ТОШКЕНТ. 10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Кўғирчоқ фильм. 10.20— **Экран хандаси.** 11.00 — МОСКВА. 17.15 — ТОШКЕНТ. 17.30 — Ўқувчилар учун кўрсатув. 17.50 — Ахборот. 18.05 — Цирк программаси. 18.35 — Ахборот. 18.50 — Мусиқа жавони. 20.00 — Дала ишлари кундалиги. 20.15 — МОСКВА. «Правда» газетасининг сиёсий шарҳловчиси Ю. А. Жуков телетомошабинларнинг саволларига жавоб беради. 21.00 — **Футбол:** «ТОРПЕДО» (Москва) — «ДИНАМО» (Тбилиси). 22.45 — «Вақт». 23.15 — Оперетта ишқибозлари, сизлар учун. ИККИНЧИ ПРОГРАММА. 11.00 — ТОШКЕНТ. Ўқув кўрсатувлари. 17.15 — МОСКВА. 20.15 — ТОШКЕНТ. Бугун — халқаро кооперация куни. 20.30 — Ўзбекистоннинг иқтисодий географияси. 21.00 — «Замандас». 21.50 — **Кавказ асираси** (бадиий фильм). УЧИНЧИ ПРОГРАММА. 17.15 — ДУШАНБА КЎРСАТУВЛАРИ.

8 ИЮЛ — ЯКШАНБА

БИРИН